

# Халқ Сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

29 МАРТ

№ 68-69  
(1585-1586)  
**ШАНБА**  
1997 йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

## БАҲОР КЕТМАС ЭНДИ БУ ЮРТДАН!



8, 9-бетлар.

### ХУҚАНДИ САТИФ

Яхшидан боғ қолади



4-бет.



«АРГУР ВАТАНИНИ ТЭС-ТЭС СОҒИНАДИ»  
Деяди чемпионнинг рафикаси Ольга

13-бет.



### МДХ: НАВБАТДАГИ УЧРАШУВ

МОСКВА, 28 март. (ЎЗА махсус мухбири Аҳмад ХҲЖА хабар қилади). Кеча Президент Ислон Каримов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегацияси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар давлат бошлиқлари кенгашининг навбатдаги -- юбилей учрашувида иштирок этиш учун бу ерга келди. Внуково аэропортида давлатимиз раҳбарини Россия Федерацияси ҳукумати раисининг ўринбосари В. Серов, Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Ш. Шохалилов ва бошқа расмий кишилар кутиб олди.

Бугун Кремлда МДХга аъзо давлатлар раҳбарлари кенгашининг ёпиқ мажлиси бўлиб ўтди. Шундан сўнг Кремлнинг Екатерина залида МДХ мамлакатлари расмий делегацияларининг кенгайтирилган таркибдаги мажлиси бўлди. Мажлисларда МДХ доирасида қабул қилинган ҳужжатларнинг бажарилиши, интеграция жараёнини тезлаштириш концепцияси, коллектив хавфсизликни таъминлаш ҳамда ҳамдўстлик истиқболи билан боғлиқ ўндан ортиқ масала кўриб чиқилди. Бу борада тегишли ҳужжатлар имзоланди.

Кремлнинг матбуот марказида давлат бошлиқларининг журналистлар билан учрашуви бўлди. Улар мухбирларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтардилар.

Куннинг иккинчи ярмида мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг Украина Президенти Леонид Кучма билан учрашуви кутилмоқда. Учрашув чоғида икки мамлакат ўртасидаги ҳар томонлама ҳамкорликни ривожлантириш бўйича қўшма комиссия тузиш тўғрисидаги протокол имзоланади.

(ЎЗА).

14-бет

**МИЛЛАТНИНГ ОЛАСИ ЭМАС,  
БОЛАСИ БЎЛ!**

7-бет

### «ТУЗОҚ»

ёхуд кўплаб ҳамшаҳарларини чув туширган товламачи аёлнинг қилмишлари

# ИСРОФГАРЛАР ЖАВОБ БЕРАДИ

Вазирлар Маҳкамасида 28 март куни республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков раислигида ёнилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссиясининг мажлиси бўлди

Унда Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгаши Раисининг, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимларининг ўринбосарлари, вазирликлар, идоралар, корпорациялар, концернлар, бирлашмалар ва бошқа ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди.

Мажлисида Алоқа вазирлиги, «Ўзавтойўл», Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, «Ўзқишлоқ-хўжалик-холдинг», «Ўзбекистон машинасозлик саноати» корхоналарида ва Тошкент вилоятида нефт маҳсулотларидан фойдаланиш масалалари кўриб чиқилди.

Комиссия кўрилаётган чоратadbирларга қарамай, жойлардаги айрим раҳбарларнинг бепарволиги, давлат корхоналарини ҳамда давлат тасарруфидан чиқарилган корхоналарни бошқараётган вазирликлар ва идоралар раҳбарлари томонидан назоратнинг йўқлиги оқибатида нефт маҳсулотларидан фойдаланишда, уларни ҳисобга олиш ва сақлашда, нефт омборларининг техникавий ҳолатида мавжуд нуқсонлар тугатилмаганини таъкидлади.

Текшириш чоғида мазкур корхоналарда нефт маҳсулотларини ҳисобга олиш ва сақлаш ишлари қониқарсиз ташкил этилгани аниқланди. Масалан, Алоқа вазирлиги корхоналарида 10 тоннадан ортиқ нефт маҳсулотларидан бошқа мақсадларда фойдаланилган, «Ўзавтойўл» бўлиналарида эса автомобиллар босиб ўтган масо-

фага кўшиб ёзиш ва ҳисоботга ба- жарилмаган ишларни киритиш ҳисобига 7 минг литрдан кўпроқ ёнилғи ҳисобдан ортиқча чиқариб юборилган. «Ўзқишлоқхўжалик-холдинг» компаниясининг «Ўзбекқишлоқмашинасозлиги» очиқ турдаги акционерлик жамиятида асоссиз равишда 8157 литр ёнилғи ҳисобдан чиқариб юборилган. Ўзбекистон машинасозлик саноатининг бешта корхонасидагина меъёрий ҳужжатларнинг йўқлиги сабабли беш тоннадан зиёроқ нефт маҳсулотлари ҳисобдан гайриқонуний равишда чиқариб юборилган. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги корхоналарида ҳам вазият ана шундай. Тошкент вилояти корхоналарида ёнилғини ҳаддан ташқари ортиқча сарфлашга ва кўплаб нефт маҳсулотларини асоссиз ҳисобдан чиқариб ташлашга йўл қўйилган. Аниқланишича, бу вилоятда 61,1 минг литр автомобил ёнилғиси ортиқча сарфланган, 41,7 минг литр нефт маҳсулотларидан бошқа мақсадларда фойдаланилган.

Текшириш ўтказилган корхоналарда нефт маҳсулотларини сарфлаш қондаларининг кўпол бузилиши оқибатида ҳар йили 70 тоннадан кўпроқ нефт маҳсулотлари исроф бўлмоқда. Нефт омборларининг техникавий ҳолатини яхшилаш ва бу маҳсулотларни қабул қилиб олишни тўғри ташкил этиш чоралари кўрилмагани ёнилғи-моилаш материалларининг бузилишига олиб келмоқда. Ҳисобга олиш ва асоссиз ҳисобдан чиқариб

юбориш оқибатида 200 тоннадан ортиқ нефт маҳсулотлари исроф қилингани аниқланди. Бу эса катта иқтисодий зарар етказди.

Нефт маҳсулотларини сақлаш ва ундан фойдаланишда бепарволикка, уларнинг бузилишига йўл қўйгани, ёнилғи-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш тadbирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш чораларини кўрмагани учун Алоқа вазирлигининг Андижон механизациялашган кўчма колоннаси бошлиғи З. Эшонжонов, Урганч алоқа узели бошлиғи Ш. Отажонов, Алоқа вазирлиги Фарғона механизациялашган кўчма алоқа колоннаси бошлиғи Д. Тошматов, «Ўзбекқишлоқмашинасозлиги» очиқ турдаги акционерлик жамияти бошқаруви раиси У. Сайфуров, «Ўзқишлоқхўжалик-холдинг» компаниясининг «Узун тажрибахтисослашган заводи» акционерлик жамияти бошқаруви раиси З. Бобоевнинг шахсий жавобгарлиги масаласини кўриб чиқиш тавсия этилди.

Мажлисида Қорақалпоғистон Республикасида, Фарғона, Хоразм, Тошкент вилоятларида ва Тошкент шаҳрида иссиқлик билан таъминлаш ва иссиқлик тармоқларини қуришнинг аҳволи тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилди. Бу жойларда иссиқлик билан таъминлашни изга солиш юзасидан узил-кесил чоралар кўрилмагани айтиб ўтилди. Айниқса, аҳолида ва бошқа коммунал-маиший хизматдан фойдаланувчиларда иссиқлик тар-

моқлари ва иссиқликдан фойдаланувчи ускуналар ҳолати қониқарсизлигича қолмоқда. Бу эса қозонхоналарда ҳосил қилинаётган иссиқлик энергиясининг 40 фоизи нобуд бўлишига олиб келмоқда.

Иссиқлик тармоқларидаги носозликлар, совуқ сув тақчиллиги туфайли хўжалик ва рўзгор эҳтиёжлари учун иссиқ сувдан кўп фойдаланиш (масалан, Фарғона шаҳрининг даҳаларида) натижасида ҳар йили 2,6 миллион тоннадан кўпроқ кимёвий тозаланган сув, иссиқлик энергиясининг 20--25 фоизи исроф бўлмоқда, айни пайтда истеъмолчилар етарли миқдорда иссиқлик энергияси олмай қолмоқда.

Иссиқлик билан таъминлашнинг қониқарсизлиги квартираларда хонаки иситиш асбоблари ўрнатилишига сабаб бўлмоқда. Тошкент вилоятидаги Бекобод, Чирчиқ, Янгийўл, Ғазалкент шаҳарлари ва туман марказларида иссиқлик билан таъминлаш йилдан-йилга қониқарсиз аҳволда қолиб кетмоқда. Пойтахтда ҳам иссиқлик таъминоти самарадорлиги камлигича қолмоқда.

Комиссия шу масалалар юзасидан иссиқлик билан таъминлашда бузилишга йўл қўйган мансабдор шахсларнинг шахсий жавобгарлигини кўриб чиқишни тавсия этди. Шунингдек, аниқланган нуқсонларни бартараф этиш юзасидан аниқ кўрсатмалар берилди.

Комиссия мажлисида Бош вазир ўринбосарлари К. Раҳимов, Қ. Ҳаққулов иштирок этди.

(ЎЗА).

## ОЛИЙ МАЖЛИСДА УЧРАШУВ

Ўзбекистон парламенти томонидан биринчи ўқишда маъқулланган ва умум-халқ муҳокамасига қўйилган «Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ватандошларимизнинг катта қизиқишига сабаб бўлибгина қолмай, балки республикамизда жойлашган халқаро ташкилотларнинг ва экспертларнинг ҳам диққат марказида турибди.

28 март куни Олий Мажлис Раисининг ўринбосари Б. Бугров БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили жаноб Х. Малик ва БМТ эксперти жаноб Д. Готтерер билан учрашди. Сўхбат чоғида парламент меҳмонлари қонун лойиҳасига юқори баҳо бердилар, омбудсманнинг аҳамияти ва обрўсини оширишга, унинг ваколатларини кенгайтиришга, қонун лойиҳасининг халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф қилинган нормаларига янада тўлароқ мувофиқ бўлишини таъминлашга қаратилган бир қатор қизиқарли тақлифларни билдирдилар.

Сўхбатда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С. Рашидова иштирок этди.

## ЎЗБЕКИСТОН -- ГРЕЦИЯ:

### ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНАДИ

Греция Президенти Константинос Стефанопулоснинг «Жаҳон» Ахборот агентлиги махсус мухбири саволларига берган жавоблари

-- Жаноби олийлари, Сиз Ўзбекистон билан Греция муносабатларининг ҳозирги аҳволини қандай баҳолайсиз?

-- Мамлакатларимиз ўртасида муносабатлар яхшиланиб бормоқда, деб ўйлайман. «Совуқ уруш» тугаб, собиқ Совет Иттифоқи ўрнида янги демократик давлатлар вужудга келгач, ушбу муносабатлар янада ривожлана бошлади. Айтиш керакки, ҳамкорлигимизни бундан ҳам яхшилаш учун кенг имкониятлар мавжуд. Бу борада айрим тарихий омилларга ҳам эътибор қаратиш лозим. Мен Шарқда буюк Искандар -- Македонский даврига нисбатан катта қизиқиш борлигини билман. Табиийки, бу буюк сиймога қизиқиш Грецияда ҳам кучли. Шуларга асосланиб, таъкидлаш жоизки, мамлакатларимиз ўртасидаги алоқалар ўзининг чуқур тарихий илдизига эга. Бугунги кунда ана шу алоқалар сезиларли даражада кучайиб бормоқда.

Сизнинг мамлакатингизга бир неча бор расмий делегацияларимиз ташриф буюрган. Ўтган йилнинг ноябрь ойида эса, Греция ташқи ишлар вазири Теодор Пангалос Ўзбекистонда бўлди.

-- Сиз, Греция раҳбари сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов ташрифидан нималар кутмоқдасиз?

-- Биз Ислоҳ Каримовнинг ушбу ташрифини катта қизиқиш билан кутмоқдамиз. У ўзаро муносабатларимизда янги бир босқич бўлади, деб ҳисоблаймиз. Биз олий даражадаги меҳмонни анъанавий грек меҳмондорчилигидан воқиф этишга ҳаракат қиламиз. Ислоҳ Каримов билан сўхбат чоғида икки томонлама муносабатлар билан боғлиқ масалалар муҳокама этилади. Ўзбек -- грек муносабатлари истиқболи ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларимизни қизиқиш билан тинглаймиз, деб ўйлайман.

Ташриф чоғида бир қатор икки томонлама

ҳужжатлар имзоланади. Улардан энг аҳамиятлиси, Ўзбекистон билан Греция ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома бўлади.

-- Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг истиқболини қандай тасаввур этасиз?

-- Ўзаро муносабатларимиз истиқболи ҳар икки давлатга, Президент Ислоҳ Каримовнинг Грецияга ташрифи яқунлари ҳаётга қандай таъбиқ этилишига боғлиқ. Мамлакатларимизда иқтисодиёт ва маданиятнинг турли соҳаларида ҳамкорлик қилиш учун етарли шарт-шароит ва имкониятлар бор. Иккала мамлакат ҳам ўзаро манфаатли савдо-сотиқ алоқаларини янада ривожлантириши мумкин. Ўйлайманки, мамлакатингизда фаолият юритаётган грек ишбилармонлари сони Ўзбекистонда иш бошлайдиган бошқа грек тadbиркорлари ҳисобига янада ортади. Уларнинг фаолияти мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада ривожлантиришга кўмак беради, албатта.

Мен Греция оғир кунларни бошдан кечираётган пайтда Тошкентга кўчиб борган кўплаб грекларга иззат-икром кўрсатилгани ва улар ҳануз бу меҳмондўст ва савоатли заминда яшаётганидан хабардорман. Сўнгги йилларда уларнинг сони қисқарди, албатта. Бироқ улар Ўзбекистон билан Греция ўртасида ўзига хос кўприк вазифасини ўташ учун етарлидир.

Мамлакатларимиз ўртасида илмий ва маданий соҳадаги муносабатлар ҳам ёрқин истиқболга эга, деб ҳисоблайман. Ҳамма гап ўзаро ҳамкорлик учун мавжуд имкониятлардан қандай фойдалана билишимизга боғлиқ. Мен келажакка умид билан қарайман, мамлакатларимиз ўртасидаги муносабат бундан буён ҳам изчил ривожланишига ишонаман.

Жамшид МУТАЛОВ  
сўхбатлашди.

Афина, 24 март, 1997 йил.

## ШУ КУННИНГ ДОЛЗАРБ ВАЗИФАСИ

Жиззахлик дехқонлар бу йил 110 минг гектардан кўпроқ ерда пахта етиштирадилар. Вилоятда биринчи марта 3027 гектар майдонга чигит плёнка остига экилади. Оби-тобига етказилган майдонларга тажрибадан яхши ўтган «Ан-Боёвут-2», «С-90-70» ҳамда «Тошкент-6» каби серҳосил навлар уруғи қадалади.

Вилоятда бу хайрли ишлар ҳар қачонгидан эрта бошланди. Зарбдор туманидаги «Шарқ юдузи» ижара ширкатлар бирлашмасининг Ў. Ўринбоев бошлиқ бригадаси пахтакорлари биринчилар қатори чигитни плёнка остига экишга киришди. Бошқа туманларда ҳам экиш-тикиш ишларини қисқа муддатда сифатли ўтказиш юмушлари бошлаб юборилди.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари Қ. Обидов, вилоят ҳокими Ш. Мирзиёев бир қанча туманлар хўжаликларида бўлиб, бу борадаги ишлар қандай ташкил этилаётгани билан қизиқди. Мутасадди раҳбарлар ва мутахассислар билан бўлиб ўтган сўхбатлар чоғида мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш, мавжуд техника ва бошқа воситалардан унумли фойдаланиш, далада ишлаётганлар учун зарур маданий-маиший шароит яратиш бугунги куннинг долзарб вазифаси эканлигига алоҳида эътибор қаратилди.

## ХОТИН-ҚИЗЛАР САЛОМАТЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Хотин-қизларнинг саломатлиги нималарга боғлиқ? Бу саволга жавобда бир қанча омиллар: тиббий ёрдам савиясидан тортиб, хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазаси даражасигача, уларнинг моддий фаровонлиги, меҳнат ва турмуш шароити, оиладаги осойишталик ва тотувлик, ташқи экологик вазият ва бошқа кўп омиллар кўзда тутилади.

Наманганда бўлиб ўтган «Хотин-қизлар ва уларнинг саломатлиги» мавзусидаги семинарда хотин-қизларнинг ҳаётини уйғун ва сермазмун

қилишга олиб борадиган муаммолар ҳар томонлама кўриб чиқилди. Семинар республика хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан уюштирилди. Ўртага қўйилган масалаларни муҳокама қилиш чоғида оилани режалаштириш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш муаммоларига ҳам катта эътибор берилди.

Семинарда Бош вазир ўринбосари, республика хотин-қизлар кўмитаси раиси Д. Фуломова, вилоят ҳокими Т. Жабборов сўзга чиқди.

(ЎЗА).

**• ЯНГИ ҚУРИЛАЁТГАН КОРХОНАЛАРДА**

**Бугун Асакада ишлаб чиқарилаётган автомобиллар таърифига тавсифга муҳтож эмас. Уларни харид қилишга ҳатто чет элларда ҳам талаб ошиб бораётгани бунинг яққол далилидир. Мамлакатимиз автомобилсозлик саноатида яна бир улкан ишга қўл урилди: Самарқанд шаҳрида Туркиянинг «Кочхолдинг» фирмаси билан ҳамкорликда автобус ва кичик ҳажмдаги юк автомобиллари тайёрланадиган қўшма корхона қурилиши бошлаб юборилди.**

Бир пайтлар «Самарқанд-автоВАЗагрегат» деб номланган заводда «Жигули» автомобиллари учун турли таъмирлаш қисмларини ишлаб чиқариш мақсадида йирик бино ҳам тикланган

ҳозирги юк машиналарининг бортини яшаш бир қадар муаммо туғдирмоқда. Лекин уни мамлакатимиздаги мавжуд имкониятлар билан ҳал этса бўлади.

Завод ишга тушгач, Туркия-

**15 МИЛЛИОННИ ТЕЖАЙДИ**

Беруний туманида «Қилчинок» электр насос станцияси ишга тушди. Лойиҳавий қурилиш муддати 26 ойга мўлжалланган мазкур иншоот атиги 12 ойда фойдаланишга топширилди.

Янги насос станцияси ҳар соғияда 15 куб метр сув ҳайдаш қувватига эга. Янги электр насосларига ҳаммаси бўлиб 6 киши хизмат қилади ва у ёнилги билан ишлайдиган олдинги насосларнинг вазифасини тўлиқ адо этибгина қолмасдан, йилига 15 миллион сўмдан зиёд маблағни тежайди.

**Ҳайитбой АБДУСОДИҚ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

**Мамлакатимиз халқ хўжалиги тараққиётида муҳим ўрин тутадиган бу иншоотнинг лойиҳаси мурракб инженерлик ечимларидан иборат бўлиб, уни Тошкентдаги «Тоштемир-йўллойиҳа» илмий-тадқиқот институти ҳамда Қозоғистон Республикаси «Қаз-желдорпроект» лойиҳалаш институти мутахассислари ҳамкорликда тайёрлашган.**

Йўлнинг 107 километрлик қисми Қашқадарё, қолгани Сурхондарё вилояти ҳудудидан ўтади. Суръатни тезлатиш мақсадида қурувчилар ишни ҳар икки тарафдан баравар бошлашди. Қашқадарё томондан «Самарқандтрансуқурилиш», Сурхондарё томондан «Ўзтрансуқурилиш» трестлари бунёдкорлари ҳаракат қилишяпти. Самарқандлик йўлсозлар дастлаб ишни жадал бошлашди. Қисқа муддатда «Тошгузар» станциясидан «Қайирма» разъездигача бўлган 8 километрлик масофа темир йўл ётқизишга тайёрлаб қўйилди. Ҳатто яхши ният билан унинг 2 километрлик қисмига рельс ҳам ётқизилди. Эндиликда «Бўзахўр» бекатида тупроқ ишлари амалга ошириляпти. Бир вақтнинг ўзида темир йўл бўйлаб тош йўл қурилишига ҳам киришилди.

рбдор қурилишда иш нега бу қадар суст?

Қурувчиларнинг айтишига қараганда, Молия вазирлиги томонидан иншоот учун етарли миқдорда маблағ ажратилмапти. Масалан, ўтган йили Қашқадарё қисмига 300, Сурхондарё қисмига 200 миллион сўм ўтказилиши керак эди. Амалда эса бор-йўғи 8 миллион сўм ажратилди. Натижада ишлар ўлда-жўлда қолиб кетди.

Бу йил темир йўл бунёдкорлари 500 миллион сўмлик иш бажаришлари керак. Афсуски, вазирлик яна панд берапти. Шу йил ҳисобидан ўтказилган 270 миллион сўмнинг асосий қисми ўтган йилги қарзлар учун сарфланди. Қолгани эса яна икки ойга етиб-етмай тугаши аниқ. Демак, жорий йилда ҳам бултурги аҳвол такрорланади.

**ҲАР КИМ ЎЗИЧА ҲАРАКАТ ҚИЛАЯПТИ**


**Бу ҳол ўз навбатида «Ғузор--Бойсун--Кумкўрғон» темир йўли қурилишида иш маромига таъсир ўтказмоқда. Унинг бошланганига ҳадемай бир йил тўлади.**

Майли, маблағ масаласини тегишли ташкилотлар ҳал этишар. Аммо бизни зарбдор қурилишга сафарбар этилган ташкилотлар ҳаракатида мутаносиблик йўқлиги ажаблантирди. Масалан, «Қаршиқурилиш» бирлашмаси тупроқ ишларини бажариш билан бирга тош йўл қурилишини ҳам ўз зиммасига олган. Ўтган йили улар трассанинг бошланишидан 35 километрлик йўлни барпо этишлари керак эди. Аммо негадир, ишни 10-километрдан бошлашди. Оқибатда иншоотнинг бош қисмида иш олиб бораётган ташкилотлар йўл йўқлиги туфайли азият чекишмоқда. Сурхондарё қисмида худди шундай аҳвол ҳукмрон. Жаммоа ўртасида ўзаро ҳамкорлик йўқлигидан кўплаб қудратли техника воситалари ҳафталаб ишсиз туриб қоляпти. Ишни мувофиқлаштирувчи ташкилот — темир йўл қурилиши раҳбари С. Рашидов эса, қурувчилар гапига қараганда, бу жойларга камдан-кам қадам ранжида қиларкан.

Хуллас, бугун зарбдор қурилишдаги манзара ана шунақа. Иш шу таразда давом этаверса, бирон-бир ўзгариш бўлиши амримаҳол.

**Г. ПҮЛАТОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

**АВТОБУСЛАР ЭНДИ САМАРҚАНДА ТАЙЁРЛАНАДИ**



эди. Кейинчалик бу ерда Россиянинг «ЛиАЗ» автобус заводи билан ҳамкорликда уч йил давомида «ЛиАЗ--52», «ЛиАЗ--53» автомобиллари йиғадиган қўшма корхона фаолият кўрсатди. Аммо бу турдаги автобуслар талабга жавоб бера олмаганлиги туфайли иш ўз-ўзидан тўхтади. Ҳар қалай ана шу муддат давомида қирқдан зиёд автобус йиғилди. Корхона ишчи-хизматчилари маълум даражада бу соҳани ўзлаштириш, тажриба тўплашга эришдилар.

Кейинчалик уларга туркиялик автомобилсозлар билан ҳамкорлик қилишни таклиф этдилар. Бунинг учун корхона инженер-техник ходимлари Туркияда ишлаб чиқарилаётган автомобиллар технологиясини пухта ўргандилар. Бизнесрежалар тузилди. Республика ҳукумати уларнинг бу интилишини қўллаб-қувватлади.

-- Бизнес-режага кўра, -- дейди «Самкочавто» қўшма корхонаси бош муҳандиси Б. Сулаймонов, -- бу ерда ҳар йили уч мингта автобус, мингта кичик ҳажмли юк автомобиллари йиғилади. Автобуслар уч турда бўлиб, 23-29 ўринга эга. Юк автомашиналари эса бир яримдан тўрт ярим тоннагача оғирликни кўтаришга қодир. Улар Испания ва Италия ҳамкорлигидаги «Эвенка» фирмасида ишлаб чиқилган техник ҳужжатлар асосида яратилади. Бундай юк автомобиллари республикамиз шароитига жуда мос. Улардан халқ хўжалигининг барча тармоқларида фойдаланиш мумкин. Машиналарни сув, ёнилги, сут, пахта ва бошқа юкларни ташинишга мослаштира бўлади. Чунки бу автомобилларнинг шосселари шу ерда тайёрланади. Тўғри,

нинг «Отаёл» автобус корхонаси бу ерда тайёрланадиган автомобиллар учун мотор, кўприклар, ойна, ўриндиқлар ва бошқа зарур қисмларни етказиб беради. Кейинчалик бундай қисмларнинг айримларини шу ернинг ўзида ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Самарқанддаги ушбу завод Марказий Осиёда автобус ишлаб чиқарувчи ягона корхона бўлади. Агар дунё автомобилсозлиги доирасида таққосланса, у ўртача заводлар сирасига кирилади.

Юқорида айтилганидек, корхонада бир йилда уч мингта автобус тайёрланади. Ҳолбуки, жаҳонга машҳур Венгриянинг «Икарус» заводида йилига беш минг автобус ишлаб чиқарилар экан. Самарқанд автомобилсозлари ана шу кўрсаткичга икки-уч йил ичида эришишни кўзламоқдалар.

Ҳозир Туркиянинг «Дама» қурилиш фирмаси янги корхона биносини тиклаш ва мавжудларини таъмирлаш билан банд. Иш ҳажми катта. Ана шу мақсадларга етти миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланади.


Самарқанд автобус ва кичик ҳажмдаги юк автомобиллари ишлаб чиқариш корхонаси ўз фаолиятини бошлагач, етти юз эллик киши иш билан таъминланади. Уларнинг бир қисмини ҳозирданоқ Туркияга юбориб, «Кочхолдинг» компанияси заводларида ўқитиб-ўргатишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Режага биноан корхонанинг дастлабки линияси республикамиз мустақиллигининг олти йиллиги арафасида ишга туширилиши кўзда тутилган. Лекин унинг бунёдкорлари бу муддатни апрель-май ойигача қисқартириш ниятидалар.

**Музаффар МУҚИМОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

**ФАРҒОНА -- БУХОРО ЙЎНАЛИШИ**

«Фарғонатранс» ҳиссадорлик бирлашмаси Фарғона -- Бухоро автобус қатновини йўлга қўйди. Эндиликда фарғоналиклар бу йил 2500 йиллиги кенг нишонланадиган қадимий шаҳарнинг бетакрор обидалари, осмонўпар минораларини, муқаллас қадамжоларини зиёрат қилиш имконига эга бўлди. Янги йўналиш бўйича сайёҳлар қўшни Тожикистоннинг Хўжанд шаҳри ҳамда мамлакатимизнинг Жиззах, Самарқанд ва Навоий шаҳарларига ҳам кўниб ўтади.



**ЭНГ АВВАЛО, СУВ ТОЗА БЎЛИШИ КЕРАК**

Сув -- ҳаёт демакдир. Шунинг учун ҳам сув орқали касалликлар тарқалиши гайритабiiий ҳолдир. Наманган вилоят табиатни муҳофаза қилиш ташкилоти вилоятдаги бир қанча хўжалик ва корхона раҳбарларига ана шу ҳақиқатни аңглатиб қўйишга мажбур бўлди.

Уйчи ва Наманган туманларидаги бир ном -- Охунбобоев номи билан аталган иккита жамоа хўжалиги сут-товар фермасида гўнғ тўпланадиган маҳсуе майдонча бўлмагани туфайли у бетон қилинмаган ариқларга оқизилган, кейин очиқ сув ҳавзаларига бориб тушган. Уйчидаги жамоа хўжалигининг товукчилик фермасида ҳам аҳвол шундай.

Бу юмушларни амалга оширишда «Самарқандтрансуқурилиш» трести жамоаси билан биргаликда «Қаршиқурилиш» бирлашмаси, «Ҳисораксувқурилиш» трестининг қатор бўлинмалари ҳам жонбозлик кўрсатишмоқда. Бир сўз билан айтганда, қурилишнинг ана шу қисмида олиб борилаётган ишлар нисбатан ёмон эмас.

Аммо Сурхондарё ҳудудидаги «Гулҳаким» разъезди билан «Оқжар» бекати оралиғида «Тўполонсувқурилиш» бошқармаси, «Шерободқурилиш» ҳамда «Сурхонсувқурилиш» механизациялашган кўчма колонналари жамоалари томонидан олиб борилаётган ишлар, содда қилиб айтганда, пичоққа илинмаяпти.

Хўш, нега шундай бўляпти? 2000 йилда ишга туширилиши мўлжалланган бу за-

**Тадбиркор ўз номи билан тадбиркор-да. Чунки у ўз иш меъёрини истеъмолад бозори талабларига, харидорнинг эҳтиёж ва истақларига қараб белгилайди. Амир Темур номли жамоа хўжалигида истиқомат қилувчи Ўринбой Кодиров ҳам айнан шундай қилди. Халқнинг қимматбаҳо мўйнага бўлган талаби йил сайин ортиб бораётгани унинг эътиборидан четда қолмади.**

-- Мўйнадан тикилган кийимларнинг баҳосини кўриб лабингизга учук тошади, -- куюнади у. -- Сабаби битта: мўйна берувчи хайвонларни етиштирувчилар камайиб кетди. Ҳолбуки, бу жуда сердаромад соҳа, чиқимиям кам. Масалан, нутрияни олайлик. Безарар, бунинг устига тез кўпаяди. Бошқа ҳамжинсларига ўхшаб инжиқ, «иззатта-лаб» ҳам эмас. Ўз «арава»сини ўзи тортишга одатланган. Фермерлар шу хусусда ўйлаб кўрсалар чакки бўлмасди.

Ўринбой ҳақ гапни айтди. Мўйначиликка эътиборнинг сусайганлиги истеъмолад бозорига ўз таъсирини кўрсатмоқда. Оддий телпақ фалон пул туради. Кейинги пайтларда эркаклар қатори хотин-қизлар ҳам мўйнадан тикилган бош кийимларга

ружу қилмоқдалар.

Фермерга бир гектардан мўлроқ ер ажратиб берилди. Ўринбой ёнига яқинларини олди. Ташаббус боис «Қони-

## ТАШАББУС

мех» кўп тармоқли фермер хўжалиги ташкил топди. Фермер қисқа вақт ичида 17,5 минг сўм даромад қилди. Тўрт минг сўмдан ортиқ пулни маҳаллий бюджетга тушириб берди. Ҳозир у 100 бош нутрияни парваришламоқда. Ҳадемай, мўйнали хайвонлар сони беш мингтага етади.

Эндигина иш бошлаган Мамажон Исмоилов ҳақида ҳам илиқ гаплар эшитдик.

Тўғри, у тумандаги айрим пешқадам фермерларга ўхшаб, кўзга кўринган сармоядор бўлганича йўқ ҳали. Бироқ у Ўринбой сингари истиқболли соҳага қўл урди. Шунинг учун ҳам «Ресурс» ишлаб чиқариш фирмаси жуда қисқа вақт ичида салкам 20 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди ва истеъмоладчиларга етказиб берди.

-- Маълумки, техника

воситаларини аккумуляторсиз тасаввур қилиб бўлмайди, -- дейди у. -- Бу тақчил, қимматбаҳо нарса асосан Россиядан ва бошқа хорижий эллардан келтирилади. Мен бу муаммони ҳал этиш йўлини топгандайман.

Ҳокимлик тадбиркорнинг аниқ мақсадга қаратилган ташаббусини қўллаб-қувватлади. Ишдан чиққан аккумуляторларни таъмирлаш цехи

## ҚИШЛОҚ МУЎҚОРЛАРИ

қуриш учун зарурий ёрдам кўрсатиладиган бўлди.

Гап тадбиркорлар ҳақида кетар экан, «Мирзоҳидбек» савдо-ишлаб чиқариш фирмаси хусусида ҳам қисқача тўхталмоқчимиз. Фирмадагилар ўтган йили дўконни хусусийлаштириб олишганида атига 20 минг сўм айланма маблағ бор эди. «Анджонсут», «Ризқ» ҳиссадорлик жамиятлари, Анджон ва Кўрғонтепадаги савдо идоралари билан тузилган шартномалар ўз самарасини берди. Кўплаб қишлоқ дўконларининг пештахталари ҳувиллаб қолган бир пайтда улар аҳолини 50 турдан ортиқ маҳсулот билан таъминлашди.

Тадбиркорлар Тошматов номли жамоа хўжалиги, «Дардоқ», «Болгария» ширкатлари уюшмаси билан шартнома тузданган кейин аҳоли макарон, чой, шакарга ёлчиб қолди. Энди улар ўша маҳсулотларни излаб шаҳар ёки туманга қатнамайдилар. Хусусий «Автолавка» машинаси харидорлар узоғини яқин қилаётир.

-- «Бизнес-инкубатор» вилоят бўлими билан келишган ҳолда янги технология сотиб олишни режалаштирдик. Нон цехи қурмоқчимиз, -- дейди фирма раҳбари Эътиборхон Фозилова.

Икки йил муқаддам аҳолига бир миллион 800 минг сўмлик савдо хизмати кўрсатилган бўлса, ўтган йили салкам тўрт миллион сўмга етди. 550 минг сўм даромад қилинди. Ҳозир фирманинг 650-700 минг сўм айланма маблағи бор. Шу пул ҳисобига Нодирабегим кўчасида яна бир савдо дўкони қурилди.

Тадбиркорлар кўпайса, дўконлар халқ истеъмоли молларига тўлади. Бозор арзонлашади.

**Одилжон  
ШОДМОНАЛИЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири,  
Анджон вилояти.**



### ЕРГА БАРАКА УРУҒИ ТУШДИ

Боёвут туманидаги «Ғаллакор» хўжалиги пахтакорлари Сирдарё вилоятида биринчи бўлиб, плёнка остига чигит экишга киришдилар. Бу йил хўжалиқда 1250 гектар ерда пахта етиштирилади. Шундан 150 гектарига чигит плёнка остига экилади. Вилоят бўйича эса бу усул илк бор 5 минг гектар ерда қўлланилди.

Шу боис, Гулистон тумани Улугбек номидаги ширкатлар уюшмасида мазкур масалага бағишланган семинар-кенгаш ўтказилди.

Семинар-кенгашда вилоят ҳокими Ў. Исмоилов сўзга чиқди.



## ҚОРАСИ ДЎКОНГА,

**Кейинги тўрт-беш ой ичида вилоят ва туман миқёсидаги катта-кичик йиғилишларда аҳолига савдо хизмати кўрсатишни яхшилаш, хизмат маданиятини ошириш хусусида гапирилади. Бироқ бу соҳада айтарли даражада ўзгариш содир бўлмапти.**

Айниқса, Ғаллаорол, Пахтакор, Бахмал туманларида аҳвол чатоқ. Масалан, «Ғаллаорол» матлубот ҳиссадорлик жамияти бултур харидорларга 16 тонна ун, 26 тонна ўсимлик мойи, 35 тонна шакар, 10 тонна хўжалик совуни, 50 яшиқ гугурт етказиб беролмади. «Семур», «Иттифоқ» савдо корхоналари, «Сарбозор» агрофирмаси жамоалари фаолиятида ҳам бундай камчиликлар мавжуд.

Пахтакор тумани матлубот жамиятлари уюшмаси ва ишчилар таъминоти бўлими фаолиятларини яхшилаш мақсадида уларнинг раҳбарлари алмаштирилганди. Лекин ҳамон эски ҳаммом, эски тос: аҳоли на шакар, на совун, на ўсимлик мойи билан етарлича таъминланмапти. Кўпчилик дўконларда эса касса аппаратлари йўқ, борлари ҳам ишламайди. Харидорлар ҳақида хиёнат қилиш, қайтимини талаб қилганларга «усти бор» қабилда кўпол жавоб қайтариш ҳоллари ҳамон учраб турибди.

Вилоятда товар айланиш ҳажмининг ўсиш суръати 85 фоизга тенг бўлгани ҳолда, бу кўрсаткич Бахмал ва Зафаробод туманларида 56-57 фоизни ташкил этди. Аҳоли жон бошига савдо хизмати кўрсатиш Арнасой, Жиззах, Зомин, Зарбдор туманларида вилоят ўртача кўрсаткичидан 2-2,5, Бахмалда эса тўрт баробар кам.

Четдан маҳсулот келтириш ҳисобига истеъмолад бозорини тўлдиришга маҳаллий ҳокимликлар, савдо корхоналари раҳбарлари

кам аҳамият беришяпти. Мирзачўл, Дўстлик, Фориш туманларида шу усулда бир килограмм ҳам ун олиб келинмаган. Кўпгина туманларда эса энг зарур маҳсулотлар учун ажратилган жамғармалар тўлиқ ўзлаштирилмаслиги оқибатида дўкон пештахталарида саккиз тур маҳсулотнинг уч-тўрттасигина хўжақўрсинга териб қўйилганига гувоҳ бўласиз. Аксар ҳолларда совуннинг қораси дўконда қолиб, сараси бозорга чиқиб кетяпти.

Туманлар ва хўжаликларнинг марказларида катта-кичик бозорлар фаолият кўрсатмоқда. Қизиқки, улардан турли хил озиқ-овқат маҳсулотларини истаганча топишингиз мумкин. Дўконларда эса бояғи аҳвол. Савол тугилади: маҳаллий тижоратчилар бу маҳсулотларни қаердан олишяпти? Албатта, четдан эмас. Асосан, Тошкент отчопаридан Жиззахга, у ердан туман марказига, тумандан қишлоққа олиб бориб сотишяпти. Ҳар гал нарх устига янги нарх қўшиляпти. Ёки савдо мутасаддилари, дўкондорлар билан «келишиб» вилоятдан, тумандан чиқмаёқ пулни-пулга уриштириб юришибди.

Бу аҳволда Жиззах вилоят савдосида қачон ўзгариш бўлади? Бунинг жавоби битта: қачонки, жами дўконларга касса аппаратлари урнатилса, жамоатчи назорат гуруҳлари яхши ишласа, матлубот ҳиссадорлик жамиятлари қошидаги агрофирмаларда тадбиркорлик йўлга қўйилса. Лекин бу ерда соҳа раҳбарларини тинимсиз алмаштиришдан нарига ўтилмапти. Қисқа давр ичида олтмишдан ортиқ савдо ходими, кўплаб жамият раҳбарлари ишдан четлатилгани бунинг далилидир. Бироқ бу билан пештахталар тўлиб қолмапти-ку?

**Ҳ. НАБИРАЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.**

## САРАСИ БОЗОРГА



САВДОДА АҲВОЛ ҚАЙЙ?

● **БИЗНИНГ ШАРҚ**

**Айни дамда жаҳон оммавий ахборот воситалари Албания воқеалари қаторида Яқин Шарқдаги ҳудудий тақсимланиш билан боғлиқ можароларни ҳам кенг ёритмоқда. Негаки, ушбу минтақада қарийб ярим асрдан буён гоҳ авжига чиқиб, гоҳ пасайиб давом этиб келаётган низолар бугунги кунда янада кескинлашмоқда.**

Ушбу минтақа заминини табиий қазилмаларга бой макон деб сифат берилиши ҳам бежиз эмас. Зеро, мазкур минтақани табиат саҳийлик ила сийлаган. Ҳозирги кунда Яқин Шарқ аҳолиси 270 миллиондан ошди.

Маълумки, Яқин Шарқда ялпи тинчлик ва барқарорликни таъминлаш зарурати кўплаб олий даражадаги учрашувлар доирасида кўриб чиқилган эди. Яқинда Хевронда бўлиб ўтган учрашувда Исроил -- Фаластин муносабатла-

**МИНТАҚАДА**

**ҲАМЖИҲАТЛИК ЗАРУР**

Жаҳон синчиларининг айтишича, агар демографик жараён шу тариқа ўсиб борса, унда 2025 йилга бориб, минтақа аҳолиси 576 миллион кишига етади. Шуни ҳам айтиш керакки, айни дамда минтақадаги аксарият мамлакатларнинг иқтисоди юксалиб бормоқда.

Яқинда Франциянинг машҳур «Ле -- монд» газетасида ҳам Яқин Шарқ давлатлари, хусусан, Мисрда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар эътироф этилди. Аммо Яқин Шарқда Исроил билан Араб давлатлари ўртасидаги ўзаро можаролар ушбу минтақа тараққиётига маълум даражада таъсир ўтказмоқда. Ҳозирги ихтилофлар бундан салкам 50 йил муқаддам бошланган эди. Ўтган давр мобайнида беш бор Араб-Исроил уруши юз берди. Хабарингиз бор, 1948-1949 йилларда рўй берган урушларда Исроил Фаластин заминининг асосий қисмини босиб олган эди. Оқибатда эса, барпо этилиши кўзда тутилган Фаластин давлати расман шаклланмай қолди. 1956 йилда бўлиб ўтган урушда Исроил Мисрнинг Синай ярим оролини забт этди. Ўшанда халқаро ҳамжамият сайъ-ҳаракатлари боис ушбу можаролар тинч музокаралар йўли билан ҳал этилган эди. Кейинги низолар эса, 1967 йилнинг июнь ойида бошланиб, бор-йўғи олти кун давом этди. Бироқ бу олти кунлик уруш натижасида Исроил Иордан дарёсининг ғарбий соҳилини, Шарқий Қуддусни, Ғазо минтақасини, Синай ярим оролини ва Суриянинг Жўлон тепалиklarини босиб олди. Мана, ўша воқеаларга қарийб 30 йил бўлганлигига қарамай бугунги кунда босиб олинган ҳудудларни ўз эгаларига қайтариш қийин кечмоқда.

Айтиш керакки, ҳозирда Шарқий Қуддусда яҳудий манзилгоҳларини барпо этиш ҳақида қабул қилинган қарор ушбу минтақадаги аҳволни янада оғирлаштирмоқда. Жаҳон оммавий ахборот воситаларининг хабар беришича, яқинда Фаластин томони Қуддуснинг шарқий қисмидаги қурилиш ишлари тўхтатилмагунга қадар Исроил -- Фаластин томонларининг навбатдаги музокараларида қатнашишдан бош тортганлигини билдирган. Шунингдек, айни пайтда фаластинликлар Исроил ҳукумати қабул қилган ушбу қарорга қарши оммавий норозиликлар уюштирмоқда.

рени яхшилаш ва у ердаги можароларни тинч музокаралар йўли билан ҳал этиш борасида дастлабки қадамлар кўйилди. Ҳатто икки томон ўртасида тинчлик ва барқарорликни ўрнатил тўғрисида битим ҳам имзоланди.

Аммо ушбу музокараларда кўзда

тутилган мақсадлар ҳали тўлалтирича амалга ошгани йўқ. Икки томон ҳам бир-бирларига ён бергилари келмаяпти. БМТ Бош Ассамблеясининг навбатдаги сессиясида ҳам Исроил ҳукуматининг Шарқий Қуддусда яҳудийлар учун янги турар жойлар қуриш режаси муҳокама этилди. Унда қатнашган 36 давлат вакиллари Исроил ҳукуматининг ушбу ҳаракатини қоралади.

Шуни айтиш керакки, қуролли тўқнашувлар нафақат уруш кетаётган мамлакат, балки бошқа давлатлар учун ҳам хавф тўғдиради. Бу ҳол ўз-ўзидан ушбу можароларни бартараф этишга жиддийроқ ёндашиш лозимлигини тақозо этади. Шу ўринда Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг «Умумжаҳон хавфсизлиги минтақавий хавфсизликка эришишдан, муайян минтақадаги давлатларнинг ҳамжиҳатлиги ва биргаликдаги ҳаракатидан бошланадиган жараёнлар», деган фикрини эслаб ўтиш жоиз. Яқин Шарқда давом этаётган зиддият ва ихтилофларни бартараф этишда мазкур минтақадаги ҳар бир давлат масъулиятли эканлигини яна бир бор таъкидламоқ лозим. Зотан, бу ерда урушсиз ўтган ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа Яқин Шарқ тараққиёти сари қўйилган янги қадам бўлиши шубҳасиздир.

**Фурқат САНАЕВ,**  
«Халқ сўзи» шарҳловчиси.

**МАЛИКА ДИАНА  
САХОВАТПЕШАЛИК ҚИЛМОҚДА**

**Буюк Британия тахти вориси шаҳзода Чарлзнинг собиқ рафиқаси -- Уэльс маликаси Диана ўзининг тунги кийимларидан 65 тасини кимовши савдосига қўйишга қарор қилди.**

Ундан тушадиган маблағ эса, Диана хоҳишига кўра, спид ва саратон дардига йўлиққанларга ёрдам кўрсатувчи инсонпарварлик ташкилотларига ҳада қилинади.

Лондонда чиқадиган «Дейли телеграф» газетасининг хабар беришича, шу йил ёзда ўтадиган мазкур кимовши савдосидан бир миллион фунт стерлингдан зиёд маблағ тушиши мумкин. Ким ошди савдосини ўтказишга тайёрланаётган «Кристи» савдо уйи ушбу тадбирни нафақат Лондонда, балки Париж ва Нью-Йоркда ҳам ташкил этишни мўлжалламоқда.

СУРАТДА: Уэльс маликаси Диана ўғиллари, шаҳзода Вильям ва шаҳзода Гарри билан.



**«ВАШИНГТОН ПОСТ» ТЕКШИРУВИ**

**«АҚШ давлат котиби Мадлен Олбрайтнинг ўнлаб яқинлари Иккинчи жаҳон уруши йилларида фашистлар тузган яҳудийлар ўлим лагерларида ҳалок бўлишган».**

Американинг «Вашингтон Пост» газетаси эълон қилган ушбу хабар АҚШда катта шов-шувга айланди. Чунки мазкур хабар яна бир томони билан омма эътиборини тортди. Гап шундаки, аввал М. Олбрайт маълум сабабларга кўра Америкага қочиб ўтган чех дипломати оиласида туғилган ва табиийки, чех миллатига мансуб, деб ҳисобланар эди. Бироқ, «Вашингтон Пост» ўтказган текширувлар натижасида АҚШ давлат котибининг ота-онаси -- Мандула Кордел ва Йозеф Кордел -- насроний динини қабул қилган яҳудийлар экани аниқланди. Ўзини чех ҳисоблаб юрган Мадлен хоним эса шу вақтгача буларнинг барчасидан беҳабар эди.

**У... МЮНХАУЗЕН ЭДИ**

**Бундан роппа-роса 200 йил аввал Германиянинг Боденвердер шаҳарчасида «ёлгончилар ёлгончиси» сифатида бутун дунёга танилган бир инсон ҳаётдан кўз юмганди...**

200 йилдирки, у ҳақдаги саргузашт ҳикоялар, қизиқ-қизиқ ҳангомалар ўқувчилар ҳаёлини банд қилиб келади. Лекин у бошдан кечирган воқеалар ҳаёт ва фанда мавжуд қонунлардан шу қадар узоқки, баъзида китобхон бундай одамнинг бўлган бўлмаганига шубҳа билан қарайди. Шунга қарамай, кичкинагина Боденвердерда ана шундай инсон яшаган. У дўстлар, қадрдонлар ёки шунчаки улфатлар даврасида ўтирган пайти ғаройиб воқеалар ва турфа қизиқ ҳангомалар айтиб, ҳаммани ўз оғзига қаратишни хуш кўрган немис зодагони -- Карл Фридрих Иероним фон Мюнхаузен эди.

**ХИЗМАТЧИЛАР ҚАНЧА**

**Йирик давлатлар раҳбарлари бирор мамлакатга расмий таширф билан борганида нечта самолёт керак бўлади, деган савол барчани қизиқтириши табиий.**

Одатда АҚШ Президенти Билл Клинтон 300 нафардан зиёд расмий шахсдан ташқари, 300 га яқин журналист ва 200 нафар кўриқчиси билан сафарга чиқади. Унинг шу йил май ойида Бразилияга қиладиган ташрифи қуйидагича ташкил этилаётир: икки йўловчи самолёт делегация аъзолари ва кўриқчилар учун ажратилади, 5 тонна озиқ-овқат, 30 тонна алоқа хизматида қарашли асбоб-ус-

куна ҳамда ўқ ўтказмайдиган иккита автомобил учун яна учта юк самолёти хизмат қилади. Б. Клинтоннинг ўзи эса 12 кишилик мажлислар зали, шинам ётоқхонаси ва жарроҳлик амалиёти ўтказиш мумкин бўлган тиббий марказга эга «Президент самолёти»да сафар қилади.

Матбуот хабарлари асосида тайёрланди.



**"2-АВТОКОМБИНАТ" ОТАЖ АКЦИОНЕРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**  
1997 йил 26 апрель куни соат 10.00 да Тошкент шаҳар, Сегизбоев кўчаси, 3а-уйда АКЦИОНЕРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ БЎЛАДИ.

Кун тартиби:  
1. ОТАЖнинг 1996 йилги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари тўғрисида.  
2. ОТАЖ 1996 йилги фойдасини тақсимлаш тўғрисида.  
3. Кузатиш кенгаши аъзоларини қайта сайлаш тўғрисида.

4. ОТАЖ фаолиятини тартибга солиб турувчи низомларни тасдиқлаш.  
5. Бошқа масалалар.

**"2-АВТОКОМБИНАТ" ОТАЖнинг 1996 йил БАЛАНСИ**


Актив (минг сўм)	01.01.96 й.	01.01.97 й.
Асосий маблағлар (қолдиқ қиймат)	128956	160883
Номоддий активлар (қолдиқ қиймат)	7	83624
Заҳира ва харажат	19271	37616
Пул маблағлари	3994	18322
Дебиторлар билан ҳисоб-китоб	17320	4776
Акционерлар билан ҳисоб-китоб	24421	86250
<b>Актив баланси</b>	<b>193969</b>	<b>391471</b>
Пассив (минг сўм)	01.01.96 й.	01.01.97 й.
Устав жамғармаси	123168	225496
Муассислар билан ҳисоб-китоб	2195	30655
Тақсимланмаган фойда	9728	63910
Узоқ муддатли қарзлар	34450	38971
Кредиторлар билан ҳисоб-китоб	24428	32412
Бошқа пассивлар	---	27
<b>Пассив баланси</b>	<b>193969</b>	<b>391471</b>

**"ГЎШТСУТСАВДО"**

**ДАВЛАТ САВДО ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ**  
чекланмаган миқдорда Грузиянинг бутун дунёга машҳур шифобахш маъданли "Боржоми" сувини тақлиф этади.




Ошқозон-ичак, жигар хасталиklarини даволашда самарали малҳам ҳисобланган "Боржоми" суви булоқлари минг йилдан ошиқ даврдан буюн хасталар дардига шифо бўлиб келмоқда.



**Мурожаат учун манзил:**

Тошкент ш., Олтинкўл 2-тор кўчаси, 115-уй.  
(Мўлжал: "Рисовой" бозори).

Тел.: 91-40-11, 91-15-54, 91-57-43.



**UZDUNROBITA**  
cellular

**"Ўздунробита" қўшма корхонаси**

**УЯЛИ ТЕЛЕФОН ЭГАЛАРИГА ҚЎШИМЧА ХИЗМАТЛАРНИ ТАВСИЯ ЭТАДИ**

**1. Қўнғироқни кутиш.**

Агар сиз уяли телефонда гаплашиб турганингизда бошқа абонент қўнғироқ қилиб қолса, у "банд" сигнали (қиска қўнғироқлар) ўрнига кутиш сигнали (чўзиқ қўнғироқлар)ни эшитади. Сиз ўз навбатингизда телефонингизда гаплаша туриб, кимдир сизга қўнғироқ қилишга уринаётганини маълум қилувчи овозли сигналларни эшитасиз. Бундай пайтда танлайсиз: сўзлашишни тўхтатиб, янги абонент билан галма-гал гаплашаверишингиз мумкин.

**2. Конференц-алоқа:**

**бир вақтда бир неча абонент билан гаплашиш.**

Сиз агар абонент билан сўзлаша бошлаб, шу вақтнинг ўзида бошқа абонентга қўнғироқ қилишингиз ва ҳар иккиси билан баравар гаплашаверишингиз мумкин. Бунда биринчи суҳбатдошингиз иккинчисининг сўзларини эшитмайди. Бироқ агар хоҳласангиз бир тугмачани босиш билан иккала суҳбатдошингизнинг бир-бирларини эшитишларига имкон яратишингиз мумкин.

**3. Қўнғироқни узатиш.**

Сиз оддий телефон ўрнатилган хонада туриб қўнғироқни унга узатишингиз мумкин. Шунда сизнинг аппаратингизга келган қўнғироқ оддий телефонга ўтади. Қўнғироқни бундай йўсинда узатиш баъзан (уяли телефон банд бўлганда ёки у жавоб бермаганда) ёки муқаррар (доимий) бўлиши мумкин.

Сиз ўз телефонингиз учун учала қўшимча хизмат турини ёки хоҳишингиз бўйича улардан бирини ёки иккитасини ўрнатишингиз мумкин. Ҳамма ҳолларда бу битта қўшимча хизмат ҳисобланади.

Юқорида келтирилган қўшимча хизмат турлари ҳар бирининг нархи ойига – 10 \$.


**Қўшимча хизмат ўрнатиш учун абонентлик бўлимига**  
(Тошкент, Амир Темур кўчаси, 24, 6-қават;  
телефонлар: 30-67-25, 33-67-25, факс: 301323)

**ёки сотиш бўлимига**  
(Тошкент, Себзор, п/о 19; телефонлар: 44-17-09, 300009,  
факс: 301308, 30-13-09).

ёзма буюртма бериш зарур.

Кечаю кундуз маълумотнома хизмати телефони: 30-09-09.

**"Ўздунробита" ҚК.**



# ҒУЗАПОЯНИНГ НАРХИ ҚАНЧА

... Кунларнинг бирида янгиариклик Қадамбой исмли йигит ўзига биркитилган «Т-40» русумли тракторда Хива бозорига бир прицеп ғузапоя олиб келади.

Мақсади -- тирикчилик, ғузапояни сотиб, рўзгорга у-бу харид қилиш. Бола-чақа ташвиши кимда йўқ, дейсиз. Бозорни айланаркан, нарх-навони суриштириб, ғузапояни 1,5 минг сўмга сотишни чамалайди. Омади бор экан, савдоси ҳам тезда юриша қолади. Инсоф сари барака, деганлар. Нотаниш харидор билан мўлжалланган нархдан 100 сўм арзонроққа келишилади. Харидор ғузапояни мазкур тумanning «Қорақум» жамоа хўжалигига олиб бориб бергандан кейингина ҳисоб-китоб қилишини билдириб, узр сўрайди.

-- Маъкул, — дейди Қадамбой ва йўлга тушади. У мутлақо хотиржам эди. Келишилган жойга етар-етмас, «харидор»нинг ниёти бузилади. У тракторни қўлга киритиш мақсадида ширин хаёлларга чўмган йигитнинг чап елкасига пичоқ санчиб, тан жароҳати етказди. Кучли оғриқдан букчайиб қолган Қадамбой номард ҳамроҳининг қўлидаги

қонли пичокни кўриб, таёқдай қотади.

-- Нега, ахир...

Холсизланган Қадамбойнинг куч йўқотаётганлигини кўрган босқинчи уни шу ернинг ўзида гумдон қилмоқчи эди. Аммо бу ғаразли ниётини кейинга қолдириб, жароҳатланган Қадамбойдан тракторни Туркменистон худудига ўтказиб беришни талаб қилади ва яна пичоқ ўқталади. Ноилож қолган ҳайдовчи оғриқ азобида техникани бир қўли билан бошқариб, Қўшқўпир туманининг Туркменистон чегарасига ча ҳайдаб келади. Қараса, аҳвол жиддий. «Харидор»нинг кимлиги энди унга маълум эди. Зўравон атрофга аланг-жалаң қараб, тракторни тиркамадан еча бошлайди. Бундан фойдаланган Қадамбой яқин атрофдаги аҳоли хонадонлари томон қочади. Номаълум босқинчи уни «тинчитиш»га қўзи етмагач, жиноят изини йўқотиш учун тракторни келган йўлидан қайтариб кетишга мажбур бўлади.

Бир қарашда бу саргузашт кинолардаги олди-қочди воқеага ўхшайди. Аслида бўлган гап. Тезкор қидирув ишлари ниҳоясида тракторчининг ҳаётига хавф солган босқинчи аниқланиб ушланди. Маълум бўлишича, у аввал ҳам икки мартаба судланган Мадаминов исмли шахс экан. Ҳозир тергов олиб борилмоқда.

Р. ТУРҒУНОВ,  
ИИВ матбуот маркази ходими.

## • ҚИЛМИШ-ҚИДИРМИШ

**Мавлуда Набиева шаҳардаги тиш поликлиникаларидан бирида ишларди. У одатда даволанишга келувчиларнинг таржимаи холи, қандай хизмат билан шугулланишига кўпроқ эътибор берар эди.**

Ҳар қалай, бу «маълумотлар» бир кунмас, бир кун асқотиб қолиши мумкин. Ана шундай кунларнинг бирида Мавлудахон Екатерина Ким билан танишиб қолди. Ким яқка тартибдаги тадбиркорлик билан шугуллангани боис, четдан

Миржоновадан эса 5 минг Америка долларини кўртдек санаб, чўнтагига урди. Мавлудахон она-болага «пулларингизни бир ойдан сўнг қайтараман» дея, ҳеч қандай тилхат ҳам қолдирмай кўздан ғойиб бўлади. Орадан бир неча ойлар ўтса ҳамки, ундан дарак йўқ эди.

Набиеванинг товламачилик фаолияти гуркираб бораверди. Унинг ўлжалар «халтаси»дан Минигул Зайнутдинованинг 3000 сўм пули, тилла соат, никоҳ узуги ва ҳар хил турдаги буюмлари, жами 54000 сўмлик нарсалар ҳам ўрин олди. Собиқ тиш дўхтирининг яна бир таниши Лариса Филина ҳам унга ўз қўли билан

## «ТУЗОҚ»

ёхуд кўплаб ҳамшаҳарларини чув туширган товламачи аёлнинг қилмишлари

саноат маҳсулотлари келтириб сотар эди. Собиқ тиш дўхтири унинг доимий харидорига айланди. Албатта, у буюм ёки маҳсулотларни текинга олмас, балки дарҳол ҳисоб-китоб қилар эди. Мавлуда ўзининг сохта «сипо»лиги билан тез орада Кимнинг ишончини қозонди.

Узоққа мўлжалланган режани амалга ошириш мавриди келган эди. «Ҳозирги замонда дўхтирлик ҳам ишми? Тоқайгача бировнинг қўлига қараб юриш мумкин. Мана, тадбиркорлар ҳашаматли уйлар қуриб, чет эл машиналарида ялло қилиб юришибди. Мен улэрчалик бўлмайманми?» дея ўйлайди ўзича Набиева.

Шундай қилиб дўхтир опамиз ўз олдига «Дока хлеб» фирмасини очиш мақсадини қўйди. Бунинг учун эса камидан 20 минг АҚШ доллари керак. Қани ўша пул? Ўзида йўқ, бегоналар эса бермайди. Дўхтирлик давридаги танишлари ёдига тушди. Уларнинг кўпчилиги ҳозир бизнесмен, «кўкидан» сўраса ҳам йўқ дейишмас. Мавлуда Екатерина Кимнинг уйига бориб, гўёки «янги» фирмага ун ва галла олиб келиш учун 20 минг доллар қарз сўрайди. Фирмага «катта» одамлар ҳомийлик қилаётганини, ўн кун ичида қарзни қайтаришини айтиб, танишини роса аврайди. Ёлғонга ёғдек илинган Ким шу кун унга ўз қўли билан 11 минг доллар санаб беради. Бу сўхбат бошида турган Екатеринбургнинг кўшниси Моҳира Аллаева ҳам «ҳиммат» қилиб, Набиевага нақд 8 минг доллар тутқазади. Ширин луқманинг мазасини туйган дўхтир опамиз эртасига ҳам қўл қовуштириб келади ва улардан 1000 долларни ҳамирдан қил суғургандек ундиради.

Албатта, бировдан қарз олишнинг айби йўқ. Лекин... 20 минг долларга эга бўлган Мавлудахон «Дока хлеб» фирмасини очгандир, деб ўйларсиз. Йўқ, ундай бўлмади. Фирмадан дарак йўқ, опа эса танишларини аврашни давом эттиради. Навбатдаги жабрдийда эски «таниш» Бибиражаб Раҳмонова бўлди. Раҳмонова собиқ тиш дўхтирининг гапига лаққа ишониб, унга 12 минг АҚШ долларини санаб берганини билмай қолди. Мўмай пул топишнинг ҳадисини олган Набиева фирма очишни хаёлига ҳам келтирмасди. Туппа-тузук одамлар унинг тузоғига оппа-осон илинардилар. Ёлғонни ҳам эплаган гапирарди-да, ахир. «Қахрамон»имиз бир вақтлар ўзи билан бирга тиш поликлиникасида ишлаган аёл Афелия Исмоиловадан 1000 доллар, унинг қизи Раъно

1000 доллар тутқазади.

Алдаб, тўғрироғи, авраб олинган пуллар битта цехга эмас, чоғроқ нон заводи қуришга ҳам етиб ортарди.

Лекин на «Дока хлеб» фирмаси ташкил топди, на пуллар эгаларига қайтарилди. Набиева тадбиркор эмас, оддий товламачи бўлиб чиқди, холос. Жиноят ҳеч қачон жазосиз қолмаган. Яхшиямки, ҳуқуқ-тартибот ходимлари «дўхтир опа»нинг товламачилик фаолиятига ўз вақтида чек қўймаганларида у яна қанчадан-қанча кишиларни «чув» тушириши эҳтимолдан холи эмас эди.

Ўтники ўтга, сувники сувга, дейдилар. Ҳар қалай юқорида тилга олинган воқеалардан тегишли хулоса чиқарсак, чакки бўлмасди. Чунки орамизда Набиевага ўхшаганлар оз бўлса-да, учраб турибди. Бир ҳисобда уларнинг пайдо бўлишига ўзимиз ҳам айбдоримиз. Сир эмаски, бугунги кунда баъзи бировлар «судхўрлик» орқасидан бойлик орттиришни одат қилган. Кўпинча бундай пинҳона «тадбиркор»ликнинг натижаси кўз ёш ва афсус-надомат билан тугаётир. Уларга халқимизнинг «Ўзингга эҳтиёт бўл, кўшининг ни ўғри тутма», деган доно мақолини яна бир бор эслатмоқчимиз, холос.

Исмаи САЛОМОВ,  
Бухоро шаҳар ички ишлар бошқармаси катта терговчиси, милиция подполковниги.  
Маннон ОТАБОЙ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## БОЖХОНА БЕКАТИ



## АЭРОПОРТ МИҚЭСИДАГИ «ФАВҚУЛОДДА» ҲОДИСА

Одатдагидек «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясига қарашли самолётда Тошкент -- Москва йўналиши бўйича 667-рейс билан учаётганларни кўриқдан ўтказаетган Тошкент аэропортининг 10-божхона маскани ходимлари икки нафар парвоз бекаси юкларини текшираётди... ҳайратларини яширолмадилар.

Ёқимтойгина хонимлар божхо-

начилардан ўз сафар халталарини текширмасликларини сўрашди:


-- Ахир, ўзимизникисизлар-ку, -- таъкидлашди улар.

Дўстлик ўз йўлига, хизмат ўз йўлига. Илтимос ҳам, чиройли табассум ҳам ёрдам бермади. Парвоз бекасининг юклари ичидан 11 минг АҚШ доллари, 100 миллиондан ортиқ Россия рубли топилди. Унинг «тижоратчи» дугонаси

анча «камтарроқ» экан. Ундан ҳаммаси бўлиб декларацияда кўрсатилмаган 11 миллион Россия рубли чиқди.

Бу ҳамкасабаларни нима кутаётганини энди фақатгина улар иши билан шугулланаётган ҳуқуқ идораларининг қилни қирқёраб ходимлари билишади.

Х. АБДУРАҲМОНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.



МУҚАДДАС ОСТОНА

...Бу кўҳна шаҳарга илк бор «ёр-ёр»лар ила, келинчак либосида борганман.

Ахир, ўзингиз ўйланг: кўҳнача самийий муҳитдан, қийиқ кўзлари-ю, кўлча юзларидан табассум аримайди-ган...

- Кўқон -- Фарғона вилоятидаги энг кўҳна шаҳарлардан бири
Водийнинг фарбий қисмида, Сўх дарёсининг куйи оқимида жойлашган

уни «Хўқанди латиף» дейиш урф бўлган. Буюк Ипак йўлида жойлашган шаҳар қадимда ҳам хунармандчилик, илм-фан, савдо ривожланган кент сифатида машҳур эди.

У ўз тарихи мобайнида бошидан не-не кулфатларни кечирмади, дейсиз. Еғийлар шаҳарни бир неча мартаба вайрон этдилар, топтадилар. Заҳматкаш, фидоий халқнинг иродаси билан шаҳар аввалгиданда, кўркамроқ бўлиб қад ростлай-верди. XV аср охири XVI аср бошлари Кўқоннинг кейинги тақдирини алоҳида аҳамиятта эгадир. Фарғона водийсида марказлашган давлат -- Кўқон ҳокимлиги вужудга келди. Томиринда бобокалонимиз Амир Темур қони уфурган Амир Умархон дарида шаҳар чинакамига гуллаб-йянади, десак асло хато шарридин форигбол ва илм аҳли роҳат ва фароғат бирла марфа ул ҳол бўлдилар».

Юқоридаги сатрлар қадим аждодларимизнинг юксак ақл-идрок эгаси бўлганлигидан далолат беради. Адолатли ва юртпарвар Амир Умархон ҳаётлигидаёқ «жаннатмакон» деган улуг мартабага сазовор бўлган эди. Зеро, эзгулик ва яхшиликнинг умри боқийдир.

Маълумотларга қараганда, Амир Умархон даврида Кўқонда кўплаб зукко ва нозиктаб шoirлар етишиб чиққан. Султонхонтура (Адо), Хозик, Ғозий, Акмал, Мушриф, Равнақ, Баҳжод, Гулханий, Увайсий, Маҳсуна, Фазлий, Узлат, Нодира ана шулар жумласи-дандир. Уларнинг фазл ва

- Худуди 37,5 кв. километр
Аҳолиси 197 минг киши
Шаҳарда 20 дан ортиқ миллат вакилла-ри истиқомат қилишади.


Кўқон гузарлари

Кўқонга ташриф буюрсангиз, даставвал унинг гавжум гузарлари диққатингизни тортади. Ҳар бир гузар марказида новвойхона, гўшт, озиқ-овқат дўконлари, мева-чева, кўкат бозорчаси, сартарошхона ва албатта, чойхона мавжуд. Тўғри, бундай шохобчаларни бошқа жойларда ҳам учратасиз. Аммо Кўқон гузарлари саранжом-сарияшлиги, соф ўзбекона руҳи билан гўзал ва серфайз. Замон чархпалаги эврилиб, бошқа жойларда турли номлар ўзгарган бўлса, ўзгар-гандир. Аммо Кўқон гузарлари бундан мустасно: улар ҳамон авлоддан-авлодга ўтиб келган эскича номлар билан аталади.

Довон ошиб, Данғара қишлоғи орқали шаҳарга кириб келаркансиз Ризқли гузари сизни кучоқ очиб

шу манзара. «Иссиқ нон ёпяман, даласи, бутун уйда нонушта қила қонг», деган аёлларига хижолатомуз жилмайиб «баллар кутиб қолишди», дея жавоб қилдилар (улар саккиз ёшдан саксон ёшгача улфатларини «болалар» деб аташди). Дарҳақиқат, бу пайтда азалдан жуда қадрлай-дилар.

Яна бир гап: хондон соҳибни ишдан уйга ҳеч қачон куруқ қайтмайди. Турва-халта доим тула. Унда иссиқ



«...Ватанимизнинг тарихи ва маданиятида ўз ўрни ва салоҳиятига эга бўлган шаҳарлардан бири -- Кўқон шахри ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш мақбул, деб ўйлайман. Кўқон аҳли ўзининг нафис санъати, хунармандлиги ва адабий муҳити, маърифати ва юксак маънавияти билан ном қозонган».

(Президент И. Каримовнинг халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгаши навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқидан).

уланади. Бу нафис одат азалдан мерос. Хуллас, Абдулла Қодирийдек буюк алломани илҳомлангирган ҳақиқий ўзбекона кибор аёлнинг тямосини кўрмоқчи бўлсангиз, Кўқонга келаверинг!

Шаҳар тўй-маъракаларидаги урф-одатлар ҳам ўзинга хос. Юрт оидаги тартиб-интизом, яқдиллик, холисона хизмат, самийий меҳмоннавозлик -- ҳаммаси табиий, гўзал. Шундай урф бор: янги тушган келинга кўв тарafdан яқин бир аёл (опасими, холасими,

иншоотлар қайта таъмирланмоқда. Жумладан, Худоберхон саройи қисқа вақт ичиди янги қиёфа касб этди. Уни таъмирлашда кескса ёш иштирок этди, десак хато қилмаймиз. Ҳашар йўли билан 276 минг сўмлик иш бажарилди, маҳаллий бюджетдан ажратилган 295 минг сўм маблаг ҳам хайрли мақсадларга сарфланди.

Шаҳар ҳулуидидаги қабристон-ларни ободонлаштиришга катта эътибор қаратилган. Зеро ўтганларни хотирлаш, улар руҳини шод этиш ҳар бир мусулмоннинг инсоний бурчи-дир. Шу жиҳатдан қараганда, «Тепакўрғон», «Шайхон» қабри-стонларида амалга оширилган ишлар диққатга молик. Уларнинг

БОШ МЕЗОН -- ИНСОН МАНРААТИ

Саломатлик -- туман бойлик, дейди халқимиз. Бу ҳикмат замирида теран маъно яширин. Хорижий усқуналар билан жиҳозланган офтальмология шифонаси кўқонликлар учун ажойиб совға бўлди. Айни пайтда бу саломатлик маркази нафақат шаҳарликларга, балки атроф туманлар аҳолисига ҳам малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда. Темирйўлчиларнинг фарандлари учун барпо этилган 100 ўринли замонавий болча-ясдини айтмай-сизми! Бу, албатта, ёш авлод ҳақида қилинаётган амалий

КОРХОНАГА ХАЛҚАРО «БРИЛЛИАНТ ЮЛДУЗ»

Шаҳарда 32 та йирик саноат корхонаси мавжуд. 5,5 гектарни эгаллаган замонавий бозор аҳоли хизматига. Шунингдек, 51 та ҳиссалорлик жамияти, 1300 дан зиёд кичик ва хусусий корхона мақомидаги ҳужалик субъектлари фаолият кўрсатпти. 3,6 миңдан ортиқ киши акка тартибдаги меҳнат билан банд. Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлан-тириш учун ўтган йили 16,5 миллион сўм миқдорда имтиёзли қарз ажратилди. Энг муҳими, ўтган йилда мобайнида саноатда ишлаб чиқариш ҳажми-нинг пасайишини тўхтатишга эришилди. Бошқача айтганда, бўлтур ялпи маҳсулот ишлаб

силдир. Комбинат бир-бирини тўлдирувчи тўқув, йигирув, тикув, трикотаж, буюш-пардозлаш мажмуидан иборат бўлади. Ҳозирги кунда объек-тнинг асосий биноси, унга туташ хизмат ва ёрамчи бинолар, йеллиги 25,9 миллион погон-метр қаттиқ буё ва 5 миңг тоннадан ортиқ тороқланган калава ишлаб чиқариш қувватига эга. Шунингдек, Узбек-Корея қўшма корхонасини ташкил этиш ҳам режалаштирилган.

Жанубий Кореянинг «ДЭУ» фирмаси билан ҳамкорликда ишга туширилган 10 миңг номерли телефон-алоқа станцияси кўқонликлар учун катта қўлайлик тугдирмоқда. Ҳозир телефон ўрнатиш учун навабта туришининг ҳолати йуқ. 3 миңгта янги телефон номерлари ўз эгаларини



харир рўмолини тортиб ололмади. Зеро, кўқонликлар ўзбекона миллий урф-одатларга содиқ, меҳмондўст, юксак эътиқодли, хушфелъ инсонлардир. Бу табаррук замин Абу Таййиб Хўқандий, Шохруҳбий, Амир Умархон, Халифа Хокий Алайхирҳамат, миён Фазл Аҳад ҳазрат, Ҳақимжон Халифа каби ёрқин сиймоларини вояга етказган. Мумтоз адабиётимиз осмонда юлдуз янглиг порлаган Нодирабегим, Маҳсуна, Увайсийни айтмайсизми! Уларнинг ўтли газаллари қалбларимизни ҳали-ҳануз ҳаяжонга солиб келмоқда. Мавлоно Муқимий, Зокиржон Фурқат, Завкий, Ҳамза, Абдулла Қаҳҳор, Чархий, Собир Абдулла каби бетакорр иқтидор эгалари-нинг парвози шу заминдан бошланади. Кўқон республика-миз илм-фани, маданияти ривожига муносиб ҳисса кўшган ва қўшиб келаятган неча-неча олиму-фузалолар учун муқаддас остонадир.

қилмаймиз. Адолат -- давлат сиёсатини юритишда бош мезонга айланади. Амир Умархон мероси -- «Девони амирый»да шундай битиклар бор: «Аммо баяд бу ошuftа тасвирот роқими ва бу паршон абёт нозими адог баёни ҳол ва шарҳи мофилбол қилурки, вужудим гулбу (гунчаси)ни Темури Кўрагон гулистони шажарасининг самарасидир...»

Ва халқатим ниҳоликим, Бобур султон насли халиқаси (боғ)нинг навбодасидир... Ва рофатим (ғамхўрлик) раввияти, сарви овоз янглиг мамолик арсаида олам аҳли муфорқиға ҳимоят соясин солди... Аз султонил одил зиллалоҳи фил арзи (одил султон Оллоҳнинг ердаги соясин) башорати бирла даврон халойиқи осийиш топди-лар.

рубойиларини севиб ўқима-ган, завқ олмаган ўзбек топилмаса керак. Эҳтимол, кўқонликларнинг шoir-таъблиғио, ғазалхонлиги шундандир. Ахир, улар қонда Амир Умархон, Нодирабегимларнинг қони бор-ла.

Шаҳар худудига 50 дан ортиқ мадрасалар барпо этилган. Чунчони, Султон-муродбек, Ҳокимойим, Мадалихон мадрасалари қадим ўзбек меъморчилик санъатининг энг сара намуналаридир. Улар кўркам ва пишиқлиги, шарқона безаклари билан ажралиб туради. Умархон вафотидан сўнг умр йўлдоши шoirи Нодирабегим 1824 йилда «Даҳман шоҳон» («Шоҳлар даҳмаси»)ни қурдилади. Умуман олганда, шаҳарнинг бинокорликдаги аънагалари ҳам ўзинга хос, бетакорр. Асрлар силсиласига дош бериб келаятган Жомъе масжиди, Мадрасая Мир, Худоберхон ураласи, Ҳожибек, «Зинбардор», «Дағтурхончи», Камол қози каби тарихий обидаларнинг маҳобати олдида тиллар лол, ақллар ҳайрон. Улар шаҳарга ҳамон кўрва салобат бағишлаб турибди.

БОҚИЙ УДУМААР

Кўқонлик эркаклар «ўз» сўзли бўлишади. Шу билан бирга оилалари ва болаларига жуда меҳрибон. Уларнинг галати «эркалик»лари ҳам бор. Дейлик, эрта билан вақтли туриб бомдод намозини ўқигани мачитта, сўнг чойхонага чиқиб кетишади. Уша ерда қаймоғу нон билан улфатлар даврасида нонушта қилиш -- одат. Уйга қайтаётганларида гузардан «ғармашўрак» (нўхатнинг қайнати-либ, димлаб пиширилгани) устига аччиқ қалампирли пиёзни бостириб, қоғозга калла гўшти, бир коса қаймоқ ҳамда иссиққина нон ола келишади-да, оиладан хотиржам бўлиб, ишга отланадиши. Ҳар кунни

нондан тортиб, мева-чеваю, хўроққанд, ҳолва, курутгача топилади. Гоҳида ўзлари чойхонада қолиб, бирор боладан уйга кириштириб юборадилар. «Меҳмон отангдан улуг», ибораси ҳам кўқонликлардан чиққан бўлса, ажаб эмас. Чунки уларнинг дастурхони ҳамиша очик, тўкин-сочин. Меҳмонни сой бўйидаги «таку» аталмиш чойхонага олиб бориб, девзира гуручдан ош дамлаб бериш оддий ҳол саналади. Албатта, кўй гўшти ва кўй ёғига. Шундан сўнг меҳмондорчилик «Ойдан бўлоқ», «Сарқўрғон» ёхуд Чодга Волид, Шоҳимардонда давом этади. Уйин-кулуг, аскиобозликнинг охири йўқ...

Кўқонлик аёлларни айтмай-сиз. Бирам кўқонлик, бирам лобар. Доим озода-ораста. Қачон

қараманг, пардоз-андоз жойида. Куюқ қора қошларидан ўсма, бодом қоноқ сузик кўзларидан сурма аримайди. Хунук, дидсиз кийинган аёни кўрмайсиз. Уларнинг ҳаёт тарини кузатар-канман, беҳитийр «Юрнинг қудратини, ободончилигини билмоқчи бўлсанг, аёлларига боқ», деган хикматли ибора ёдимга тушади.

Таъбир жоиз бўлса, кўқонлик хотин-қизларнинг ўн қўли -- ўн хунар. Оқичт рўмолга уралган «иш»ларини олиб, бирор қўшини-никуда йигилишади. Шу кун бу хондонда, албатта катта қозон қайнайди. Бирлари дўппи тикадилар, бирлари қийиқ, Ҳордиқ дамларида ишдан чарчаган қўллар дутор ёки қилдирмага чўйлади. Куй кўшиқча, қўшиқ эса рақсларга

ЭЛ ОБОД -- ДИАЛ ОБОД

Шаҳар йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Қурилиш-ободончилик ишлари давом эттирилмоқда. Кўча ва хиёбонлардаги озодалик баҳри дилнингизни очади. Бирон жойда ахлат ёки чиқинди кўрмайсиз. Замонавий иншоот-лар билан бир қаторда эски

атрофи уралиб, дарвозалар ўрнатилди. Янги кўчатлар ўтқазилди, теварак атрофи тартибга келтирилди. Буларнинг ҳаммаси хайрига ва ҳашар ҳисобигаидир. Ўтган йили шаҳарда ободонлаштириш учун 30 миллион сўм маблаг сарфланди. Барча спорт иншоотлари қайта таъмирланди. Янги майдонлар, хиёбонлар, гулзорлар тобора кўпаймоқда. Бу йил Наврўз байрами муносабати билан ўтқазилган умумхалқ ҳашарида 45 миң киши қатнашди. Боғлар, кўчалар, хиёбонлар ободонлаштирилди. 35 миңг тул мевали ва манзарали кўчатлар ўтқазилди. 7,5 гектар майдондаги гулзорга илбори берилди. Умуман, кўқонликлар учун Наврўз қўш байрамга айланди. Шу кунни «Нодира» номидаги маданият ва истироҳат боғи фойдаланишга топширилди, кўнгилочар томошалар оқшомгача давом этди.

Шаҳарда бирор байрам сазоват тадбирларисиз ўтмайди. Айниқса, кўп болали оилалар, ногиронлар, боқувчисини йўқотган, меҳр-муруватга муҳтож инсонлар доимий ғамхўрликдан баҳраманд. Уларга 2 миллион сўмлик хайрига сувғалари ва кийим-кечаклар улашлди. «Соғлом авлод учун» жамғармаси ва Қизил ярим ой жамияти томонидан болалар уйларига, тугруқхоналар, кўп болали оилаларга 370 миңг сўмлик дори-дармон ва бошқа кундалик зарур буюмлар хўнарида беназир инсон. Ҳозирги кунда ҳар икки халқ устасининг муносиб излошлари етишиб чиқмоқдаки, бу уларнинг олимжон иши ва санъатлари давом этилганидан далолат беради.


ХўқАНДИ ЛАТИФ

«...БЕРИБ САЙҚАЛ КАМОЛ ИЛА ЖАҲОНГА ОШКОР ЭТ»

тиб олади. Ризқли -- бу ризқ-насибали эл дегани.

Исфара, Тошкентлик, Чанкатлик, Шайхулислом, Қаландархона, Калвак, Шалдирамқоқ, Дегреслик, Қаймоқчи, Офтобойим, Ҳожибек гузарларининг ҳам ўз тарихи бор. Тўй-томосшалар ҳамжиҳатликда ўтказилади. Нон -- туз ўртада. Одамлар ўзаро аҳил ва иноқ. Бу эса маданий-маърифий тадбирлар-ни амалга ошириш, ёшларни

ватанпарварлик руҳида камол топти-риш, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишларини кувайитиришда катта аҳамият касб этаёттир. Айни пайтда шаҳарда 61 та маҳалла бўлиб, уларда 47 миңг 400 оила, 195 миңдан ортиқ аҳоли истиқомат қилади. Истиқбол йилла-рида халқимизга хос ажойиб аъна-лардан бири -- ҳашар янгича мазмун касб этди. Узоққа бормайлик. Кўқон-сой, Қипчоқариқ, Ғозий ёғлиқ, Урганжи ва Афғонбоғ ариқлари ҳашар йўли билан тозаланиб, 30 миңг кубометр ҳажмда таъмирлаш ишлари бажарилди. Бу ҳам шаҳарликларга хос аҳиллик ва ҳамжиҳатликдан нишонадир.



ғамхўрликдан нишонадир. Шаҳар аҳолиси юз фоиз газ ва тоза ичимлик суви билан таъмин-ланган. Ўтган йили марказий истиш қувуларининг янгилан-гани қиш мавсумини кўнгилағидек ўтказиш имкони-ни бери.

Кўқонда халқ хунармандчили-ги ривожланган. Биз бу ўринда истиқлол йилларида ўз шухратини қайта тиклаш бошла-ган ёғоч ўймакорлиги ва сиркор-лик санъати ҳақида тўхталмоқчимиз. Кўқонлик ўймакор уста Қодиржон ота Ҳайдаровнинг номи республика-миз ташқарисида ҳам маълум ва машҳур. Унинг заргарона санъати кўпгина иншоотларда абдий муҳрланганини ҳам биламиз. Президентимиз И. Каримов халқ депутатлари Фарғона вилоят сессиясида нақшош уста Саиддахмад ота Маҳмудов ҳақида илтиқ сулар айтиб, унинг ижодига юксак баҳо бердилар. Бу, албатта, бежиз эмас. Саиддахмад ота сиркорлик хўнарида беназир инсон. Ҳозирги кунда ҳар икки халқ устасининг муносиб излошлари етишиб чиқмоқдаки, бу уларнинг олимжон иши ва санъатлари давом этилганидан далолат беради.

кутмоқда. Наврўз байрами арафасида ушга телефон алоқаси ишга туширилди. Мустақилликнинг олти йиллиги кўнгилача яна бир иншоот -- 60 ўринга мўлкаланган уч қаватли жароҳлик биносини қуриб битказиш мўлкаланмоқда. Германиянинг «Винклер» фирмаси технологияси асосида кичик нон заводлари барпо этили, чет эл сармояларини жалб этиш ҳисобига қўшма корхоналар очил, жаҳон бозорига чиқарилаётган маҳсулотлар тури ва ҳажмини кўпайтириш яқин келажақдаги реал режалардир. Туркиянинг «Айсель» фирмаси билан шерикчиликда қуриляётган 9 қаватли миллий банк биноси шаҳар ҳуснига ҳусн қўшиши шубҳасиз. Тозалов иншооти-нинг учинчи навабти барпо этилади. Янги эртезан қудуқлари ортланади. Аҳоли учун қатор замонавий қўлай-ликлар яратилди ва ҳоқошо.

...Шаҳардан чиқаверишда ажиб меъморий тимсолга кўлингиз тушади. Бир варақ қоғоз ва пат қалта. Биз мактабимизни унда билган самийий калом билан яқунламоқчимиз: «Аҳли Хўқанди Сига Оллоҳдан оқ йўл, тан сийдалик, хотирқамлик, оилангилга файзу барахот тилаб қўлулар».



**Сийрати суратига мос тушадиган актёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ёдгор Саъдиевни кўча-кўйда учратиб қолганлар, томошабинлар «Ичкўёв» деб аташади. Чунки у «Ичкўёв» видеофильмидаги ичкўёв роли билан янада машҳур бўлган. Дарҳақиқат, бу ва «Сўнги ўқ»даги ролини актёрнинг ўзи ҳам яхши кўради. Сахнада 50 дан, кинода 15 дан, телевиденида эса 100 дан ортиқ ранг-баранг роллар яратиб, эл-юрт назарига тушган санъаткор айни камолат палласида. Ёши... Айтмай кўя қолай.**



*Афсус энди бу кўзларнинг қаролари  
Бу кўзлардин дилга надуру оралади.  
Ошиқлари каммиди ё дунёсида,  
Надин бу ғам бизнинг дили саралади.  
У куймидир...  
«Тановар»лар таралади,  
Уҳ, ўлдирди оролари, иболари.  
Киприклари куйласалар хузур топур --  
Куйлаётган юрагимнинг яралари.  
Малак асли фалаклардин яралади,  
Бизга қисмат қошларининг оралари.  
Фақат куйиб қолаверар оташида,  
Етолмасдан биздай бахти қоралари.  
Сочларига йигит умрим ўралади,  
О, бормидур кетмакликнинг чоралари.  
Қайтиб келса шаксиз банди бўлар унга  
Бу дунёнинг Искандару Доролари.*

-- Ёдгор ака, исмин-гизни шунчаки кўйиш-ганми ёки...  
-- Мен адамнинг вафотидан икки ой кейин туғилганман. Шунинг учун Ёдгор деб ном беришган. Отам раҳматлик Ҳабиб Саъдиев шу мен ишлаётган «Ҳамза» театрида актёр бўлган. Демак, мен театрда ҳам, оилада ҳам адамдан қолган ёдгорман. Онамнинг (биз ая деймиз) исми



жон берди...  
-- Артист сўзи баъзида халқ тилида устамонлик, ҳар қандай вазиятдан ҳам чиқиб кета олиш маъносини билдиради. Айтингчи, сахнадан бошқа жойда ҳеч артист-лик қилганмисиз? Дейлик, ҳаётдами, оилада-ми?  
-- Мен фақат сахнада артистман. Бошқа жойда артистлик қилишни ёмон кўраман.

-- Ўзбекистон халқ артисти Обид Юнусов театрдан кетди, театр қайсидир бир фирмага омборхона учун хоналар ажратиб берди, деган гапларга қандай қарайсиз?  
-- Хоҳлаймизми -- йўқми, Обид ака истеъдод, қолаверса, менинг ва яна кўпчиликнинг устозидай ҳам эди. Гап шундаки, у билан театр маъмурияси ўртасидаги

юборганмисиз?  
-- Жисмоний тарбия институтининг учинчи курсидан ўқишни ташлаб, санъат йўлига қадам қўйган эдим. Орадан шунча йиллар ўтса-да, спорт менинг доимий ҳамроҳим. Бу аввало, сихат-саломатлигим учун асқотади. Бу йил «Пахтакор» клубининг 40 йиллиги нишонланади. Шу муносабат билан учинчи апрелда ўтказиладиган футбол ўйинида «Пахтакор» фахрийлари қаторида иштирок этаман. Дарвозада турсам керак.

-- Сир бўлмаса, айтингчи, сиз бошқараётган «Ёдгор С» фирмаси қандай вазифани адо этади-ю, фирма иши актёрлигингизга халақит бермайдими?  
-- Фирма сайёҳлик масалалари билан машғул. Иш унуми ўртача. Ижод билан шуғулланадиган бўлсам, менга ҳеч нарса

деганимга қарамай мен ҳақимда чизгилар ёзиб, «Таъзим» деб номлабди. Кўп қисмини ўқиб чиқиб, худди беғубор болалигимга қайтгандай бўлдим.

-- Ширали овоз-у, чиройли кўшиқ айта олиш ҳам бир бахт. У ҳаммага ҳам насиб этавермайди...

-- Агар адашмасам ҳали ҳам кўшиқ айтиб турасизми демокчисиз-да. Кўшиқ менинг жону дилим. Илтимос қилишган даврада ижро этавераман. Уни ўзим учун эмас, одамлар учун айтаман.

-- Аёлингиз сизни рашк қиладими?

-- Дунёда эрини қизганмайдиган аёл борми? Кеннойингиз ажойиб актёр Амин Турдиевнинг кизи бўлиб, артистнинг ҳаётини ипидан-игнасиғача яхши билади ва тушунади. Рашк қилмайдимас, қилди-ю, ўзича билдирмасликка интилади. Эҳтимол, гапим ғайри табиийдир, лекин рашк қилиши менга ёқади. Яъни мен унга керакман ва бепарво қаролмайди.

-- Шу кунлардаги ижодий фаолиятингиздан кўнглингиз тўладими?

-- Бир йилдан бери роль устида ишламаяпман. Менимча, ижодкор ҳар доим ишлайвермайди. Артист станок эмаски, ролни деталдай чиқараверса. Кўпинча пардозхона (у менга устозим Наби Раҳимовдан мерос қолган) ўтириб хаёлларга бериламан. Хуллас, юқорида айтдим-ку, ўзим ҳам билмаган ҳолда яхши бир нарсани кутаяпман. У, эҳтимол ёруғ бир кун, оппоқ бир тонг, яна ҳам тўғрироғи, яхши бир ролдир. Яна ким билади дейсиз.

«Халқ сўзи» мухбири  
Гулчехра ЙЎЛДОШЕВА  
суҳбатлашди.

# ТЕАТРДА ҲАМ, ОИЛАДА ҲАМ ЁДГОРМАН

Маҳбубахон бўлиб ҳозир 81 ёшда. Йигирма тўққизида бева қолганича бошқа турмуш қурмаган. Энди билсам Хайрулла акам икковимизни кўзи қиймаган экан. Эҳ-хе, аямнинг қийинчиликлари, овсинлари ичида эзилиб ўксиганларини эсласам, гапириб берсам ишонмайсиз-да. Катта овсини, яъни катта амакимнинг хотини фарзанд кўрмаганлиги учунми, аямга кун бермас, қоронғу тушиши билан чироқларни ўчириб қўярди. Биз икки ўғлон кўрққанимиздан аямнинг пинжиги кириб уйкуга кетардиг-у, у киши тонг бўзаргунча йиғлаб чиқаркан. Эрталаб кўз ёшини артиб, гўё ҳеч нима кўрмагандай бизга нонушта тайёрларди. Чой ичиб бўлганимиздан сўнг акам мени опичлаб боғчага олиб борар (ҳадеб мени кўтариб юраверганидан бўйи унчалик ўсмай, паст бўлиб қолган), аям эса мактабга жўнарди. У қирқ йил бошланғич синфларни ўқитган, халқ маорифи аълочиси. Бизни оқ ювиб, оқ тараб, ўқитиб одам қилган, уйга кирса аёл, кўчага чиқса эркак бўлган аяжонимдир. Дунёнинг ишларини қаранг-ки, катта амаким менинг, хотини эса аямнинг қўлида

шартнома бузилган. Лекин бу унга театрдан кет дегани эмас. Ўзининг роли бор, спектаклларда қатнашиб, бамайлихотир ишлайвериши мумкин эди. Негадир шу ишни қилмади. Кинода ва сахнадаги у ижро этиши керак бўлган ролларини бошқалар уйнаб, не-не асарлар усиз ўтиб кетаяпти. Мен бунга жуда афсусланаман. Лекин кетишига бутун бошлиқ бир жамоани айблаш ноўрин. Омборхона масаласида нима дейишим мумкин. Бўш турган 1-2 та хонани ижарага берган бўлсак, фирма берган пулни театрнинг моддий аҳволини яхшилаш учун сарфлаймиз. Бунинг нима-си ёмон?

-- Сизга актёрлик кўпроқ ёқадими ёки режиссёрликми?

-- Актёрлик--касбим, режиссёрлик эса ҳавас. Мен ўзимни ҳеч қачон режиссёр деб билмайман. Ҳамкасбларимга ҳам, «Ёдгор режиссёрлик қияпти эмас, режиссёрлик билан шуғулланаёпти», денглар дейман. Тўғри, «Алдагани хотин яхши» ва «Тунги меҳмон» асарларини сахналаштирдим. Хар икки спектакль ҳам яхши баҳо олди. Шу сабаб бўлдимми ёки ҳавасим зўрми, режиссёрлик билан жиддий шуғулланмоқчиман.

-- Сиз ҳақингизда гап кетса, сахнага спорт майдонидан кириб келган, деб таърифлашади. Спорт билан ҳозир ҳам шуғулланиб турасизми ёки бутунлай ташлаб

халақит беролмайди. Хар бир дақиқам ўлчоғлик. Лекин актёрлик фаолиятимда қанақадир тўхталиш бор. Ўзим ҳам билмайдиган ниманидир кутаяпман шекилли.

-- Бозор иқтисодига ўтиш даврида ўз касбини ташлаб, тижоратга уриб кетган ўқитувчилар, журналистлар, актёрлар тўғри иш қилишдими?

-- Шу билан фахрланаманки, театримизда ҳеч ким бундай ишга қўл ургани йўқ. Очиғи, қийинчиликлар мавжуд. Лекин вақт ўтиши билан ҳаммаси жой-жойига тушиб кетади. Бусиз мумкин эмас.

-- Энг яхши дўстингиз борми?

-- Худога шукр, энг керакли ва яқин дўстим бор. Фақат номини айтмайман. Бундан ташқари яқин дўстларим ҳам кўп. Булардан бири журналист Абдужалил Зокировдир. Малаликдан бирга ўсганмиз. Феъл-атвори Тоҳир Маликнинг «Шайтанат»идаги Асадбекнинг дўсти Жалилга ўхшайди. Дўлвор, дали-гули. Кўй



**ДУНЁ  
БЎЙЛАБ КЕЗАР  
ЎЗБЕК ДЕГАН НОМ...**

Жанубий Африка Республикасидан келган, Кейптаун университети профессори Роберт Хадсон жаноблари Ўзбекистон ҳамда ЖАР ўртасида ўрнатилган дипломатик муносабатлар туфайли 1994 йилда мамлакатимизга келган. У чет элдан келган мутахассислар ишларини назорат қилиш ҳамжамияти вакили, менежерлар уюшмаси директори, Ўзбекистонга бегараз ёрдам кенгашининг фаол аъзоси ҳисобланади. Республикада тинчлик, барқарорлик, фуқаролик тотувлигини таъминлашда, демократик ҳуқуқий жамият қуришда, иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга оширишда Президент И. А. Каримовнинг хизмати бениҳоя катта, деб таъкидлайди у. Профессорнинг айтишича Марказий Осиёда жойлашган юртимизни, хусусан ўзбек халқини авваллари билмас экан. Мамлакатимизга ташриф буюрибди-ю, янги бир дённи, унинг бой тарихий меросини, улғ ахлоқларини, ўзига хос миллий маданиятига эга бўлган халқни кўриб ҳайратта тушибди.

Р. Хадсон яқинда мусиқачилар тарбияловчи мактаб-интернатда ўқитувчилар ва ўқувчилар билан учрашди. Директор М. Каримова унга ўғил болалар таълим ва тарбия олаётган даргоҳ тарихи, ўқувчилар ҳаёти тўғрисида батафсил гапириб берди. Ўқувчилар билан суҳбатда «мен Ўзбекистонни ўз уйим деб билмоқдаман ва ўзбек тилини астойдил ўрганаёпман», деди меҳмон.

**Р. СУЛТОНОВ,**  
мусиқачилар тарбияловчи республика  
мактаб-интернатининг илмий мудир.

## ШИФОБАХШ БУЛОҚЛАР

**Хисор тизма тоғлари ён бағрига туташ Ўғин қишлоғи яқинида Чиллабулоқ деган гўзал ва фусункор манзил бор. Бу ерда шифобахш булоқ суви йил ўн икки ой мавжланиб туради. Фақат яккабоғликларгина эмас, балки узоқ-яқиндан келган сихатталаб кишилар ҳам чашма сувида чўмилиб, дардларига даво топишяпти.**

Чиллабулоқнинг ўзига хос тарихи бор. Айтишларича, қадимда ҳам чилла бўлган болалару оналар бу ерга келиб даволанишган, турли касалликлардан фориг бўлишган. Шуниси диққатга сазоворки, яқин атрофдаги қишлоқларнинг аҳолиси ўртасида кейинги 40-50 йил мобайнида сариқ билан оғриган бирон кишини учратмайсиз. Улар жигар, буйрак, ошқозоничак хасталиклари нималигини билишмайди. Эҳтимол, бу Чиллабулоқ сувининг шарофатидан бўлса керак.

Тўрт йилча муқаддам шу ерлик тадбиркор Абдуназар Ҳақимов булоқ суви таркиби билан қизиқиб қолди. Бу турган-битгани хазина-ку, ахир. Одамлар ихлос қўйиб келишяптими, демас, Чиллабулоқда бир хосият бор. Шундай қилиб, туман раҳбариятининг кўмаги билан булоқ сувидан намуна олиниб, Тошкентга -- Семашко номидаги курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтига юборилди.

Кўп ўтмай хушxabар келди: Чиллабулоқ суви Украинадаги машхур Трусковец шифобахш сувидан қолишмас экан. Ҳатто айрим моддаларнинг кўллиги жиҳатидан устун томонлари борлиги аниқланди.

Бу яккабоғликлар учун катта янгилик эди. Ташаббускор А. Ҳақимов тезда амалий ишга киришди. Сувни шисаларга қуядиган линия ўрнатилди. Бу ускуна кунга 5 минг шиша булоқ сувини қадоқлаш қувватига эга. Парвардигорнинг иноятини қаранг: булоқ улкан харсанг тош орасидан отилиб чиқади. Ҳозирча унинг бир қисм суви шисаларга қуйилмоқда. Шифобахш об-хаётдан тиббиёт мақсадлари йўлида тўлиғича фойдаланиш эса навбатдаги вазифадир.

Қарши темир йўл бўлимининг раҳбари Абдулла Тўйчиев бундан икки йил муқаддам Чиллабулоқ суви манбаида санаторий барпо этишга бел боғлади. Иш бошланди, коттеж типдаги бир неча уйлар қурилди. Лекин маблағ етишмаслиги, иқтисодий соҳадаги қийинчиликлар панд берди. Санаторий барпо этиш гоёси амалга ошмай қолди.

Муборак туманидаги «Муборак» наслчилик хўжалиги худудидан 30 йилча муқаддам иссиқ сув топилган эди. Чўпон-чўлиқлар унда чўмилиб, бўғин, оёқ-қўл қақшаши дардидан аста-секин фориг бўла бошладилар. Булоқнинг доврўғи теварак-атрофга ёйилди. Кучсиз минераллаш-

ган бу сув таркибида хлорид сульфат, натрий, калий, кальций тузлари борлиги маълум бўлди. Аҳоли талаблари инобатга олиниб, минерал сув манбаида физиотерапия шифохонаси, кейинроқ профилакторий барпо этилди. Ана шундай шифобахш таркибга эга бўлган иссиқ сув тумандаги «Бухоро», «Хитой» жамоа хўжаликлари худудидан ҳам топилди. Ҳозир улардан турли хил касалликларни даволашда фойдаланилмоқда.

Она-замин бағри ҳадсиз-ҳисобсиз маъданларга бой. Косон туманидаги «Турон» жамоа-ширкат хўжалигининг Хўжақудуқ қишлоғи яқинида кудуқ қовланаётганда... минерал сув манбаи отилиб чиқди. Унинг таркиби текшириб кўрилганда машхур «Тошкент» маъдан сувидан ҳам кучлироқ эканлиги аниқланди. Ҳозир бу бебаҳо неъмат инсон саломатлиги учун хизмат қилмоқда. Қарши шаҳар салқин ичимликлар корхонаси раҳбари Худойназар Орзиевнинг саъй-ҳаракати билан Хўжақудуқ маъдан сувини шисаларга қуйиб сотиш йўлга қўйилган. Вилоятда унинг харидорлари кўп. Чунки бу маъдан суви кишига қувват бағишлайди. Танани турли иллатлардан тозалайди.

Деҳқонобод туманидаги Консой деган жойда ош тузининг катта захираси мавжуд. Кон тубидан бошланадиган маъданли булоқ қарийб 0,8 гектарлик табиий ҳовуз ҳосил қилган. Ҳовуз суви инсон баданидаги яра-чақаларни, тошмаларни даволашда кони фойдадир.

Деҳқонободнинг Хўжаипок қишлоғи яқинидан топилган булоқ суви Сочи шаҳридаги Мацеста сувидан асло қолишмайди. Баъзи жиҳатлари билан ундан устунроқ ҳам. Ҳовузда чўмилиш, ҳосил бўлган балчиқда даволаниш бўғинлардаги турли иллатларни ҳайдайди, оёқ-қўл, бел оғриқларига барҳам беради. Айтишларича, Хўжаипок булоғида уч кун чўмилган кишига бир йилгача дард йўламас экан. Фақат шугина эмас. Қамаш туманидаги Бойбечакон, Деҳқонобод туманидаги Консой туз конларида пайдо бўлган сунбий «форлар» ҳам ўзига хос шифобахш хусусиятга эга. Бу жойларда даволаниш натижасида бронхит, сунрункали бронхит, нафас йўллари хасталикларидан халос бўлиш мумкинлиги аниқланган.

«Нишон» қоракўлчилик хўжалиги худудидан Жалмат тепаликларидан Амударё томон тасмадеккина жилға қишин-ёзин оқиб туради. Чорвадорлар ана шу жилғани негадир «Қилли» деб аташади. Қилли -- шифобахш сув. Бундан бир неча йил муқаддам ўзга юрт-

дан номдор қоракўлчи олим ташриф буюради. Олимнинг аллергияси бор экан. Чўпонларга эргашиб, Қуллада чўмилипти. Бир ҳафтадан сўнг аллергиядан халос бўлиб, бошидаги кўтири тушибди.

Ана шундай шифобахш масканлар Қашқадарёнинг ҳар бир туманида бор. Уларни илмий жиҳатдан ўрганиш ва инсон манфаатларига бўйсиндириш турли касалликларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, она-табиатнинг ўзи сихат-саломатлик учун бебаҳо манбадир.

П. ГАДОВЕ,  
«Халқ сўзи» мухбири.



## ● ФАРЗ

## КОМИЛЖОНДАН БИР ҚЎШИҚ АЙТИНГ...

«Ўзбекнаво» гастрол -- концерт бирлашмасининг фестивал ва танловлар ўтказиш бўлими бошлиғи муовини Мирқодир Худойберганов билан суҳбат

-- Ўтган йили бўлим томонидан бир қанча ижодий тадбирлар ўтказилган эди. Бу йилги режалар қандай?

-- Яна анъаналар давом этади. Жорий йилда ҳам мусиқа санъатининг муҳим мавзуларига бағишланган қатор анжуманлар ўтказишни мўлжаллаб турибмиз. Шу йил 26-28 май кунлари Марғилон шаҳрида, 23-25 июнь кунлари Урганч шаҳрида ва 28-30 июль кунлари Самарқанд шаҳрида ёш хонандалар кўрик-танловлари бўлиб ўтади. Фарғона, Хоразм ва Тошкент қўшиқчилик мактабларининг машхур намоёндалари бўлмиш Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов, Ҳожи Абдулазиз Абдурасуловлар номлари билан аталган мазкур танловларда ижрочиларимиз голиблик учун баҳслашишади. Айни кунларда эса

мазкур вилоятлар ҳокимликлари билан ҳамкорликда мусобақаларга пухта тайёргарлик ишлари олиб борилаёпти.

-- Бундай танловларни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад нима?

-- Биринчидан, халқимизнинг мумтоз қўшиқчилик санъати, устоз ҳофизлар яратган анъанавий, халқона ижрочилик мактабларини асраб-авайлаш ва ривожлантириб бориш, қолаверса, шу баҳона эл орасидаги ноёб овоз ва истеъдод соҳиби бўлган бугунги ёш ижрочиларни ҳам излаб топишни ният қилганмиз. Табиийки, халқимизнинг юксак маънавий фазилатларини камол топтириш, миллий мафкураани шакллантириш ва ёш авлодни бой маданий меросимиз, қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол

сонлар орасида боғланган меҳр риштаси узилгандан кейингина оғриққа айланади. Бу фоний ҳаётда ҳаммамиз меҳмонмиз. Фақат оптимизда қолганларнинг эзгу ўйлари, соғинчлари билан қайта тирилаверамиз. Хотира борки, одам болаларининг беғам яшашига халал бераверади. Мазкур суратга боқинг... Фақат сукут қилинг... Оғриқлар... ширин ўйлар... хаёллар...

гояларига садоқат руҳида тарбиялаш борасида ана шундай анжуманлар яқиндан ёрдам беради.

-- Танловларнинг шартлари қандай бўлади?

-- Уларда 18-30 ёшгача бўлган яккахон хонандалар, иқтидорли ҳаваскор йигит-қизлар иштирок этишлари мумкин. Лекин уларнинг барчалари фақат миллий чолғу асбоблари билан куйловчи ўз созандалари жўрлигида қўшиқ айтишлари керак. Танлов иштирокчиларининг ижросига баҳо беришда уларнинг анъанавий ашула ижрочилиги йўллариго риоя қилишлари, нафасни ишлатиш маҳоратлари, қўшиқ сўзларини тўғри талаффуз қилишлари ва ғазалнинг маъносини чуқур англаган ҳолда, саҳна маданиятига тўлиқ амал этишларига ҳам жиддий эътибор берилади. Қўшиқлар саҳнада бевосита фонограммасиз ижро этилади.

-- Иштирокчилар қандай қўшиқларни куйлашлари лозим?

-- Танловлар уч босқичда бўлиб ўтади. Мусобақа қатнашчилари ҳар бир турда



Хар куни капсуласини қабул қилар экансиз, сиз ўз терингизни мусаффо қиласиз, гўзаллик ва майинлик бахш этасиз.

**Б'ЮТИ ПЛЮС**

Сизнинг бардам ва гўзаллигингиз.

Шаҳар дорихоналаридан сўранг

CP / аджанта фарма лимитед

**ECO LOT**

**ECO SAIT**

"ЭКОЛОТ" қўшма корхонаси лаҳзалик пуллик лоторея чипталарининг иккинчи сериясини сотувга чиқарилишини маълум қилади.

Чипталарни Халқ банки бўлими ва жамоат тарқатувчиларидан сотиб олишингиз мумкин.

Лоторея чиптасининг баҳоси - 40 сўм.

"ЭКОЛОТ" қўшма корхонаси маъмурияти.

**ТАШКИЛОТ**

руҳ аралаш пўлатдан тайёрланган

**ПРОФНАСТИЛ (ТУШАМА-ТУНУКА)**  
**СОТАДИ**

ҚАЛИНЛИГИ - 0,7-0,8 мм.

НОВА(ГОФРА) БАЛАНДЛИГИ - 35, 57, 75 мм.

УЗУНЛИГИ - ХАРИДОР ХОҲИШИ БЎЙИЧА.

Нархи бозор баҳосидан анча арзон.

Телефон:  
(3712) 41-41-77.

Факс:  
(3712) 41-54-90.

ГЕРМАНИЯДА ТАЙЁРЛАНГАН ЮҚОРИ СИФАТЛИ ТИББИЁТ ТОВАРЛАРИ ПУЛ ўТКАЗИШ йўли билан СОТИШГА ТАВСИЯ ЭТИЛАДИ



**ШАХСИЙ КИСЛОРОД БАЛЛОНЧАСИ**

Уй, ишхона ва шифохона шароитларида, йўлда (қаттиқ чарчаганда, куйиб қолганда, астма /кўксов/, гипертония ва бошқа хасталикларда) тез тиббий ёрдам кўрсатиш учун юксак самара берадиган тенги йўқ восита. Қизгин меҳнат, айниқса, кимё, нефть кон-бойитиш, энергетика саноати ходимлари, автомобиль ҳайдовчилари ва темир-йўл транспорти машинистлари соғлигини тез тиклаш, чарқоқни ёзиш, иш фаолиятини ошириш имконини беради.


**Афзалликлари:**

ихчам (баллончанинг ҳажми 3-4 та кислород ёстиқчасининг ўрнини босади);  
бир неча марта кислород билан тўлдириш мумкин;  
кафолатли хизмат кўрсатиш назарда тутилган.

**РАҚАМЛИ ЭЛЕКТРОН ТЕРМОМЕТР**

**Афзалликлари:**

заҳарли симоби йўқ;  
корпуси пластмассадан, синмайди;  
товушли индикатор.  
Ўлчанадиган иссиқлик даражаси: 32,0°-43,9°.  
Ўлчаш аниқлиги: ±0,1.  
Ўлчашга кетадиган вақт, сон: 30-60.  
Габарит ўлчами: 0,8x1,8x14.  
Вазни, грамм: 11.



Тел.: (3712) 64-15-94, 61-20-67, 61-21-37. Факс: (3712) 64-38-91.

**ТИНЕ'97**

1997 йил  
8-11 апрель кунлари

**"Соғлиқни сақлаш-97"**

Учинчи Халқаро тиббиёт кўرғазмасига сизларни лутфан таклиф этамиз.

Кўрғазмада жаҳондаги 100 дан ортиқ етакчи фирмаларнинг тиббий ускуналари, фармацевтика ҳамда косметика маҳсулотлари намойиш этилади.

Кўрғазмага ташриф буюриб, ишлаб чиқарувчи-фирмалар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузишингиз мумкин.

**Кўрғазманинг иш соатлари:**

8 апрель - 14.00-18.00      10 апрель - 10.00-18.00  
9 апрель - 10.00-18.00      11 апрель - 10.00-18.00

**Бизнинг манзил:**

Тошкент ш., Амир Темура кўчаси, 107,  
"Ўзэкспомарказ" (собиқ ВДНХ).

Сизни кўрғазмамизда кўришдан  
роят мамнун бўламиз!

**"ГОЗНАК"**

Давлат ишлаб чиқариш  
бирлашмасига

доимий ишлаш учун юқори  
малакали қуйидаги  
мутахассислар керак:

**МАТБАА ИШЧИЛАРИ**  
**ГАЗ ва ЭЛЕКТР пайвандчиси**

Корхона ишга қабул қилинганларнинг ойлик маошлари юқори даражада бўлишини таъминлайди.

Маълумот олиш учун қуйидаги телефонга мурожаат қилинг:  
**34-41-21 (ходимлар бўлими).**

Тошкент шаҳар 36-оилавий поликлиника жамоаси бош шифокор Озода Юсуповага синглиси  
**Сурайё МАННОНОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазириликнинг илмий-текшириш маркази жамоаси марказ бошлиғи Рихси ИСАЕВга ўғли  
**Эркинхўжа ШОЮСУПОВ**нинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор қилади.

Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамасининг халқ таълими бош бошқармаси ва халқ таълими ходимлари шаҳар қасаба уюшмаси қўмитаси бош бошқарманинг масъул ходими Зулфия Чанишевага отаси

**Ҳамит ЧАНИШЕВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Донавант» фирмасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ходимлари ваколатхона раҳбари Елкин Маликовга онаси  
**Пошпахон МАЛИКОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

## ФУТБОЛ ШАРҲИ



Футбол бўйича Ўзбекистон олтинчи миллий чемпионатининг учинчи тур учрашувлари мухлислар учун қўтилмаган натижалар билан бошланди.

Айниқса, чемпионат пешқадамларидан бири, бу йилги мавсумда чемпионликка асосий даъвогар ҳисобланаётган Фарғонанинг «Нефтчи» жамоасининг Навоийда олий лиганинг янги вакили «Зарафшон» билан дуранг ўйнаши турнинг кичик «сенсация»си бўлди. Аввалги икки турда мағлубиятга учраган навоийликлар тўрт карра Ўзбекистон чемпиони билан бўлган учрашувнинг 12- дақиқасидаёқ ҳисобда олдинга чиқиб олишди. Фарғоналиклар фақат иккинчи бўлимдагина битта жавоб тўпи киритишга (С. Атоян-58) муваффақ бўлишди ва учрашув дуранг билан якунланди.

Ўзбекистон чемпиони «Навбахор» эса «Андижон» жамоаси билан бўлган учрашувда аввалига ютказаётган бўлиб, сўнг қийинчилик билан ғалабага эришди. О. Қиличев (21), В. Келдиев (29), К. Абдуқодиров (51) тўп муаллифлари бўлишди.

Марғилонда «Атласчи» га қарши майдонга тушган «Бухоро» жамоасининг ҳам 3:0 ҳисобида (Салимов, Аҳмедов, Исмоилов) мағлубиятга учрагани мухлислар кутмаган эди. Бу натижалар олтинчи миллий чемпионатда қатнашаётган кўпчилик жамоаларнинг ўйин кўрсатиш даражаси деярли тенг эканлигидан ва бу йилги мавсумда мухлисларни кўплаб қизиқарли учрашувлар кутаётганлигидан далолат беради.

Учинчи турнинг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди:

«Насаф» -- «Афросиёб» -- 1:1, «Дўстлик» -- «Сўғдиёна» -- 4:0, «Пахтакор» -- «Янгиер» -- 2:0, «Косонсой» -- МХСК -- 0:1, «Хоразм» -- «Трактор» -- 0:3.

Навбатдаги тур учрашувлари 30-31 март кунлари ўтказилади. Шу турда «Сурхон» ҳам баҳсларга қўшилади.

Р. ЭРМУҲАММАД,  
«Халқ сўзи» мухбири.

### 3-ТУРДАН КЕЙИНГИ ВАЗИЯТ

	Ў	Ю	Д	М	Т-Н	О
1. МХСК	3	3	0	0	8:3	9
2. «Пахтакор»	3	3	0	0	6:1	9
3. «Нефтчи»	3	2	1	0	6:2	7
4. «Трактор»	3	2	1	0	4:0	7
5. «Дўстлик»	3	2	0	1	7:3	6
6. «Навбахор»	3	2	0	1	4:3	6
7. «Атласчи»	3	1	1	1	5:4	4
8. «Афросиёб»	3	1	1	1	3:4	4
9. «Косонсой»	3	1	0	2	2:2	3
10. «Чилонзор»	2	1	0	1	1:1	3
11. «Андижон»	3	1	0	2	3:4	3
12. «Бухоро»	3	1	0	2	3:6	3
13. «Сўғдиёна»	3	1	0	2	2:6	3
14. «Зарафшон»	3	0	1	2	3:6	1
15. «Насаф»	3	0	1	2	2:6	1
16. «Янгиер»	2	0	0	2	0:3	0
17. «Хоразм»	2	0	0	2	0:5	0
18. «Сурхон»	0	0	0	0	0:0	0

## ЧЕМПИОН ОИЛАСИДА



# «АРТУР ВАТАНИНИ ТЕЗ-ТЕЗ СОҒИНАДИ»

дейди унинг рафиқаси Ольга

-- Артур ўзбекларнинг миллий таоми-паловни хуш кўради, -- дейди профессионал бокс бўйича жаҳон чемпиони Артур Григоряннинг рафиқаси Ольга. -- Табиийки, Гамбургдаги уйимизда ҳам тез-тез ош дамлайман. Лекин ҳар доим ҳам дамлаган ошим Артурнинг дидагаддек бўлиб чиқавермайди. Бунининг авзоидан билиб турсам-да, у менга ҳеч бир эътироз билдирмайди, индамай тановул қилаверлади. Ҳис қилиб тураман, бундай лаҳзаларда у Ватанини, Тошкент чойхоналарини жуда-жуда кўмсайди.

Кейинги пайтда Артур қизиқ бир одат чиқарди. Навбатдаги ошдан сўнг у одатдагидек маъюсланади ва ўзининг хонасига кириб кетади. Тезликда чиқавермагач, ордидан хонасига қираман. У жаҳон чемпиони бўлганда Ўзбекистон Президенти ҳада қилган тўнни кийиб, юмшоқ курсига ястанганча, шифта тикилиб, хаёл сураётган бўлади. Германияда яшаётганимизга ҳам уч йилдан ошди. Дастлабки йиллари унчалик сезилмасди, энди эса Ватан, юрт соғинчи, уни кўмсаш ҳисси бизларни деярли ҳар қадимимизда таъқиб этади. Шу сабабли навбатдаги жангнинг ўтказгач, Артур мураббийлари, раҳбарларининг «Ўзбекистон анча оиласида, йўлда толиқасан, яхшиси кейинги жанггача Европанинг энг сўлим гўшаларидан бирида дам олиб, сўнг машгулотларга зўр берсанг бўларди. Сенга ҳам, оила аъзоларингга ҳам бунинг учун барча шароитларни яратиб берамиз» деган таклифларига қулоқ солмай, Тошкентга шошилади. Бу ерга келгач эса ўзингиз ҳам шохиди бўлдингиз, уни уйдан

қолдирмайди.

-- Бўлмаса ҳа деб ўзингизни улуглавермангизда, хоним. Балки, «Олтин камар»ни ҳам сизга тақийш лозимдир.

Артур аслида Ольгага сен деб мурожаат қилади. Кейинги гапидаги «сиз» ва «хоним» улар ўртасидаги муносабатнинг тотувлиги, уларнинг бахтли ҳаёт кечириётганлигидан далолат бериб туради. Мен яна Ольгага мурожаат қиламан.

-- Спортчининг рафиқаси бўлиш қийин эмасмикин?

-- Сиз спортчиларнинг тез-тез сафарларда, кўпроқ машгулотлар майдонида бўлишини назарда тутаяпсиз чоғи. Ҳа, спортчининг рафиқаси бўлишининг ҳам ўзига хос қийинчиликлари бор. Улар оиласи даврасида жуда кам бў-

топиш қийин. Чунки эшик тақиллаб, ким бўлмасин Артурни қайғадир таклиф қилса, йўқ дея олмайди. У оддий одамлар орасида бўлишни хуш кўради. Зеро, Артур Германияда ана шу одамларнинг меҳр-муҳаббатини кўпроқ кўмсайди-да. Гамбургдаги суҳбат мавзуйимиз ҳам кўпинча ўзбек одамларининг, маҳалладошларининг чексиз меҳр-муҳаббат соҳиблари, бағри кенг кишилар эканлиги бўлади. Атрофингиздагилар сизга меҳр тўла кўз билан боқиб турса-ю, ким ҳам бу даврдан чиқиб кетишни хоҳларди.

-- Навбатдаги муҳим жанг олдан Артур оилада ўзини қандай тутади?

-- Агар учрашувга икки-уч кун вақт қолган бўлса, яхшиси унга дахл қилмаган маъқул. У бундай даврда кўпроқ ёлғиз қолишни истайди. Мен ҳам иложи борича унга ҳалақит бермасликка, оиланинг турли хил юмушлари билан мурожаат этиб, уй-хаёлларини бузмасликка ҳаракат қиламан. Бундай лаҳзаларда у одатда камгап бўлиб қолади. Мабодо мен шундай пайтда ўзим уйдан олидан оила юмуши билан унга мурожаат қилгудек бўлсам, саволим ёки мулоҳазам жавобсиз қолади. Чунки у бутун фикри-зикрини бўлгуси жангга бағишлаган бўлади. Бунини яхши билганим учун ҳам жанг олдан оилани бошқаришнинг бутун масъулиятини ўз зиммамга оламан.

-- Унинг гапига кўпам ишонаверманг, -- дея лўқма ташлайди жимгина суҳбатимизга қулоқ солиб турган Артур. -- Чунки у барча, гиналарини жангдан кейинги кунларга асраб қўйган бўлади.

Даврада энгил кулги кўтарилди. Ольга бироз эркалироқ маънода кўз қирини Артурга ташлайди. Менга табиятан хушчақчақ туюлган Артур бу имони ҳам жавобсиз

лишади. Узлуксиз машгулотлар меҳнат таътили, дам олиш кунлари деган тушунчалар билан чиқишмайди. Лекин ҳозир бу ҳаётга анча ўрганиб кетдим. Тошкентда ҳамшира бўлиб ишлардим. Ҳозир кўпроқ қизларим Арина (7 ёш) ва Каринанинг (5 ёш) тарбияси билан машғулман. Каттаси немис мактабига қатнаётган, кичиги боғчада. Буш вақтларимда немис тилини мукамалроқ ўрганиш билан шуғулланаман. Мени оиламизнинг таржимони десангиз ҳам бўлаверарди. («Ҳам менинг шахсий врачим» -- дея яна лўқма ташлайди Артур, шу ерда).

Килининг кам-кўстини эркак киши тўдириб турса аёл кишининг ишлаши шарт эмас экан.

-- Қизларингизнинг келажакда спортчи бўлишини истайсизми?

Ольга бу савол Артурга тегишли дегандек, унга томон қаради. Артур эса сиздан эшитмасиз дегандек ўнг қулоғини Ольга томон бурди.

-- Спортчи оиласидан, албатта спортчи чиқиши керак-да, -- деди Ольга қулиб. -- Тугрисини айтсам, уларнинг келажакда ҳақида ҳали жиддий бош қотирганимиз йўқ. Лекин улар спортчи бўладими, йўқми, ҳар ҳолда яқин йилларда бирор бир спорт мажмуига шуғулланишга берамиз. Чунки спорт соғлиқни мустаҳкамлайди. Бунини мендан ҳам кўра Артур кўпроқ хоҳлайди.

-- Ольгага қолса, қизларимизнинг иккиси ҳам табиий ҳолими бўлгани маъқул, -- дея суҳбатга аралашди Артур. -- Чунки у шахсий врачим сифатида менга доим шунини эслатиб туришни қанда қилмайди.

Артурнинг лўқмасидан сўнг даврага яна энгил кулги кўчди.

Расул ЖУМАЕВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## КАЛЕЙДОСКОП



● Таэквондо бўйича ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида бу йил ҳар йилдиган ҳам кўп, яъни 250 нафар спортчи қатнашди. Мамлакат чемпионати таэквондочиларимизни май ойида Малайзияда ўтказилган Осие чемпионати, июлда Санкт-Петербургда ўтказилган жаҳон чемпионати олдида ўзига хос кўрикдан ўтказди. Тил баҳсларида ўз вази топфалари бўйича М. Акромхўжаев, Н. Толипов, Э. Нурухонув ва Л. Ли каби юқори маҳоратли таэквондочилар голиб чиқиди.

● Европа чемпионати тайёргарлик кўраётган Польша терма жамоаси мураббийлари

таэквондочиларимиз билан биргаликда машғулот ўтказиш учун Тошкентга келишди. Польшаликлар қитъанинг энг кучли терма жамоаларидан бири ҳисобланади. Демак, бу ташриф юртимиз таэквондочилари маҳоратига берилган юксак баҳо ва ишончдан далолат беради. Қолаверса, биргаликдаги маш-



ғулотлар вакилларимизнинг Осие ва жаҳон чемпионатида пухта ҳозирлик кўришларига имкон яратди.

● Наврўзга бағишланиб юртимизда ўтказилган аёллар футбол жамоалари ўртасидаги халқаро турнирда «икки фронт бўйлаб жанг қилаётган» «Андижанка» чим хоккей жамоаси голиб чиқди. Футболда «Андижанка»га нисбатан тажрибалироқ бўлган, ўтган йили Марказий Осие чемпионатида голиб чиққан собиқ «Баҳо» (эндиликда у Тошкент умумқўшин командирлари олий билим юрти тасарруфида фаолият кўрсатаётгани учун ТУКО-БЮ деб юритилмоқда) жамоаси иккинчи, Алматининг «Мунайши» жамоаси учинчи ўринни эгаллади.

● Осие футбол конфедерацияси клублар ўртасида ўтказилган қитъа кубоги учун баҳсларга қўрға ташлади. Унга кўра Ўзбекистон чемпиони «Навбахор» биринчи турни ўтказиб юбориб, иккинчи турда



Қирғизистон ва Тожикистон чемпионлари ўртасидаги учрашув голиб билан куч синашди. Осие кубок эгалари кубоги учун баҳсга киришадиган «Нефтчи» эса Туркменистоннинг «Қопетдоғ» клубига қарши майдонга чиқди.

● Сузми бўйича Ўзбекистон чемпионатида Навоийнинг «Олтин сув» клуби аъзоси Саида Искандарова 50 ва 200 метрга чалқанча, 100 ва

200 метрга эркин услубда сузми борасида юқори натижа кўрсатиб, тўрт карра Ўзбекистон чемпионлигига сазовор бўлди. Анастасия Королева 50,100 ва 200 метрга брасс, Олег Пухватий 50 ва 100 метрга брасс, 400 метрга машқлар мажмуи бўйича сузми борасида барчани ортада қолдирди.

Нима дётганини ўзи билмайдиган, гапиратган гапини қулоғи эшитмайдиган одам нафақат маҳмадона, билъакс ўта даражада савиясиз, ўз қаричидан ҳам пастлаб кетган бўлади. Бу нисбатни

## МИЛЛАТНИНГ ОЛАСИ ЭМАС,

## БОЛАСИ БЎЛ!

бирор халқ ёки миллат томонга буриб юборсак, нақалар фожиали ҳол эканлигини фаҳмлаб қоламиз. Ачинарлиси, ўз эли ҳақида ўзгалардан андоза олиб, маъзава ағдаришдан чарчамаган зиёли сифат нухсалар кимларнингдир ногорасига ўйнаб, туркийлар шаънини оёқ ости қилишда «авангардлик» (ғалати сўз) қилишгани сир эмас. Ўтмишнинг қора булут тўсган осмонлари ҳақида сўз айтиш ниятимиз йўқ бугун. Тарих барибир ҳаммасини баён қилиб турибди. Унинг ўткир нигоҳидан ҳеч бир замоннинг, ҳеч кимнинг бекинишга иложи йўқ.

Бироқ бугун... Бугун Ватан ва миллат шаъни ҳақида ўйлаб кўриш, ўйлаганда ҳам ўз тақдиримизга қараганимиз каби масъуллик билан ёндошишимиз вақти келди. Наинки, вақт келди, балким имконият туғилди. Озодлик берилмади, озодлик олинди, деган гап бор. Ўзбеклар ҳурриятга эришган кун миллатдошларимиз юрагида озодлик ниҳоли илдиз отган эди. Бу ниҳол олти йилда дарахтга айланди, ҳатто ўзининг хуштаъм меваларини бера бошлади. Бу мевалар лаззатидан илло кейинги авлодлар ҳам баҳраманд бўлгусидир. Истиклол куни Ўзбекистон тарихининг олтин битиги, миллат келажагининг давомийлиги ва бизнинг яшаш тарзимизнинг туб бурилиш нуқтасидир. Буни эл-юртимизга нисбатан ҳар бир кўзи ўнг инсон чуқур англайди.

**ШУНДАЙ ЭКАН БИЗНИНГ ВАЗИФА:** озод авлодимиз қалбида миллий гурур, Ватан учун жон фидолик туйғусини шакллантиришимиз керак.

Хўш, озодлик тушунчасини қадим аждодларимиз, кўксида гурур ўти қақнаган боболар қандай англашган? Улар нега ўз ҳаётини озодлик йўлида бахшида этди? Нега оғир кистовли лаҳзаларда азиз бошларини қиличга тутдилар? Нега, нима сабабдан инсон фарзанди қудликка, мутеликка қарши курашиб келди? У

**Йиллар кунлардан тезроқ ўтади. Тарихнинг киприк коккудай лаҳзаси бизнинг умримиздан кўра узунроқдир. Ҳеч нарса боқий эмас. Бироқ кўхна дуннинг мангу қолажак воқеалари боис бутун инсоният тарихи жилланиб, порлаб туради. Яхшилигу ёмонлик ҳамда эзгулик ва ёвузлик доимо курашиб, кирпичок бўлиб келган. Барча замонларда ҳам башарият аждодлари удувларини мукамалликка йўғирган инкилобларни қабул қилган. Ўз тарихидан, уду-мидан, боболаридан гурурланмаган, насли насабидан ифтихор туймаган халқ жар ёқасида турган, эртасига дарз кетган бемаслак тўдадир. Инсондаги улуглик туйғуси насллар қонига ўтиши табиий ҳол. Бобом зўр эди, мен унинг авлодиман, ундан-да зўр бўлишим керак, деган элнинг болаларидан бир нарса кутса бўлади. Озодликка эришган ўзбекнинг ушбу кунлари узоқ йиллардан кейин улкан инкилоб эканлигини кейинги авлод ўқиб ўрганади. Ҳис қилади. Англайди. Халқ тарихининг ёркин саҳифаси намоён бўлади. Замондошим: бизнинг шу даврда яшашганимиз ҳам оғир, ҳам шарафлидир. «Еруғ хиёбон» рўкни орқали маънавий ҳаётимизда мангулик тимсолларини акс эттирган нодир асарлар ҳақида изоҳ бериб борамиз. Зеро, келажак ўтмишнинг инъикоси эканлигини унутмаслигимиз зарур. Биз сиз билан «Сўғдиёна» асари орқали сўзлашмоқчи бўлдик...**

бор-йўғи беш кунлик дунёда пешонасида битилганини кўриб, барча ишларни тақдир азалга йўғиб юраверса бўлмасмиди? Кимлар келиб кетмаган кўхна

зиёлиларимизни эсламоқчимиз. Уларнинг улкан хизматлари олдида бош эгмоқчимиз.

Тарих сабоқ берибгина қолмай, балки хулоса чиқариб

ёркин ниятлар борасида ўйлаб, тарихий таҳлилларга эга бўлсак, кўнглимизда уйғоқлик ўти ёниши, шубҳасиз.

Урҳо-ур, тўполонлар, замонларнинг тўфону бўронларини кўрган, озод юртимизнинг бугунда ҳам айрим кимсалар онгида иккиланишлар сезилиб тургандай. Улар эски даврни тилда айтмасалар-да, соғиниб туришибди. Истибод улқасининг баъзи сийловларини халқ қадр-қимматиға алишишни унчалик фожиа деб билмайдиган бундай кимсалар фикрида ҳануз ўша давр мафқураси кўргошиндай қотиб қолган. Биз уларнинг хатоси олдида ачиниш ҳиссини туямиз.

ШУ БОИС: яна ўша, ўз эрки учун курашиш бани-башарият олдида энг одил йўл эканлигини исботлаган тарихий ҳақиқатларга, ўтмишнинг сирли бағрига юз бурамиз. Озод юртимизда камол топаётган фарзандларимиз дунёқараши барча буюкликлардан устунроқ турадиган миллат шаъни ва озодлик қадрини ардоқлаш тушунчаси билан чароғон бўлаётганидан фахрланамиз... Ва шу тупроқ бағрини гулларга кўмажак, довруғини дoston этажак бегубор болаларимизнинг «Миллатнинг оласи эмас; боласи бўл» деган ўзбекона жайдари гапни тушуниб етаётганидан қувонамиз.

Ҳозир айни пайти: Буюк халқ бўлиб улғайиш погоналаридан юксалиб бораёпмиз... Маънавий савиямиз нечоғлик баланд бўлса, келажагимиз уфқи томон дунёдаги улуг миллатлардан бири қаторида дадил одимлаймиз...

ЮЗ БУРИНГ: ўрганишимиз, англашимиз, тушунишимиз, ўқишимиз зарур манбалар етарли. Шундай умидлар орқали заҳматқаш адиб, раҳматли Явдат Илёсовнинг: «Сўғдиёна» китобини варақлаймиз:

**«... Буюк шаҳарларнинг деворлари қулади. Қудратли давлатларнинг пойдевори яқсон бўлди. Миллионлаб одамларнинг ҳукмдорлари тангри Аммон ўғли (Искандар Зулқарнайн демоқчи) олдида бош эгдилар. Аммо... осиеликлар... Шу чоққача бирор марта маглубият нимагини билмаган машҳур саркардага қаршилик кўрсатмоқда ва кучли зарбалар бермоқда.**

**Булар қанақа одам? Нима ҳақида ўйлашади? Нималарни билишади? Уларнинг мақсади нима? Уларнинг юраклари нимадан ясалган экан?...»**

Мазкур тарихий роман шууримизга қаҳрамонлик ва жасорат уруғларини сочади... Нимадандир воқиф бўласиз. Истардикки, озодлик қарвони билан ойдин манзиллар сари бораётган ҳар бир юртдошимиз ана шу туйғулар гирдобиди чиниқса, диллари равшан тортса...

**Кўчқор НОРҚОБИЛ**  
**«Халқ сўзи» муҳбири.**



• ЕРУҒ ХИЁБОН

Турон эрлари нега шу тупроқ ҳаққи, унинг гуллаб-яшнаши ҳурмати, феруза осмондай бокира, ложувард дарё сувидай тоза хуфти ҳалоллари, фарзандлари, уй-жойидан кечиб-да қисматнинг қора қўллари отган тошларга дош берди. Бу юрт бошига тушган жаҳолат сиртмоқларини фақатгина шу Ватан баҳодирлари узиб ташлади. Яна тарих... яна боболар шавкати... Менинг назаримда улар бизни кўриб тургандай, улугларнинг ўтли ва ҳароратли жўшқин қонлари томиримизда оқаётгандай. Менинг назаримда

**БУГУН:** озодликни асраш, Ватани дунёга кўрсатиш, шавкатини улуглаш ҳисларини авлодлар кўнглига солишдай муқаддас бурч ётибди. Бунинг учун кимлигимизни, қадим аждодларнинг буюк ниятларини англасак бас...

Миллатимиз рўҳиятига яшинлар шижоатини солишдай маънавий қувват манбалари бўлган, нодир китобларнинг дярли кўпчилиги ўзбек халқи бошида зўғум ва истибод шамшири ярқираб, тобеликка чорлаган бижгинди сиссатлар голиб келган пайтлар яратилган.

Биз ҳар қандай давр ва вазиятларда ҳам инсоний бурчини ўтаган, элнинг иззатини она сутидай ҳалол билган чақмоқруҳ, теран фикр

олишимиз, ҳодисаларга ўз имконимиз даражасида муносабатда (албатта заковатимизга яраша) бўлишимиз имконини беради. Фалон бобомиз писмадон ишни қилмаганларида анави воқеа рўй бермас эди ёки ҳалиги бобомиз юртни сотиб, ўз раҳнамосига хиёнат этмаганда бугунгидай қарғишга учраб юрмасди... Фалон жангда фалончи бобомиз кўрқоқлик қилиб бўйин эгди. Униси бойликка учди, буниси ўз жонини ўйлаб халқни оввора қилди... Асл миллатпарвар бобомиз ўша воқеада бир ўзи ёлғизлини қолмаган эди... Хуллас, шунга ўхшаш турли фарзалар, қарашлар билан ўтмишни ўз ақлимиз чигиринидан ўтказишга ҳаракат қиламиз. Кимдир улуглаймиз, бошқа бировга нафрат кўзи билан қараймиз. Бу яхши. Ҳар нарсага ўз идрокимиз билан ёндошув маъқул иш. Миллат тарбияси сунъий, лабдабалдор, кўкларга ўрлагувчи мақтовларсиз шаклланади.

Ҳамма замонларда бор эди; кимдир сотқинлик қилиб омонат жонини асраш мақсадида ёвга эшик очиб берди. Ёғий билан хуфёна тил бириктирди, ўз мансабини Ватан тақдирдан устунроқ кўрди. Дунёнинг фоний лаззатларига қул бўлиш, эл кўзига тупроқ сочиб, юртдошлар юзига оёқ қўйиш, ватанфурушлик қилиш эвазига кун кўриш даҳшат эканлигини ҳис қилган қавмдошларимиз ҳам бор эди. Бугун биз фожиалар ва

## МУСТАҚИЛЛИК ЛУҒАТИ

Ўзбекистон Фанлар Академияси И. Мўминов номидаги Фалсафа ва ҳуқуқ институтида мустақиллик муносабати билан халқимиз ва жамиятимиз ҳаётига кириб келган янги терминлар, тушунчалар ва атамалар луғати яратилмоқда. Ўз ичига 200 дан ортиқ сўзни олган мазкур луғатнинг яратилишига пойтахтимиздаги етакчи илм масканларининг олимлари, шунингдек, тадқиқотчи ва мутахассислар жалб этилган. Яқинда бўлиб ўтган институт махсус илмий мажлисида «Мустақиллик луғати»нинг яратилиши борасида амалга оширилаётган ишлар ҳолати муҳокама этилди.

«Энциклопедия» нашриёти чоп этадиган мазкур луғатни тайёрловчи таҳрир ҳайъатига фалсафа фанлари доктори, профессор Қ. Хоназаров бошчилик қилмоқда.

Кенг китобхонлар омма-сига мўлжалланган луғат маънавий ва маърифий тушунчаларимизнинг бойишига муносиб ҳисса қўшса ажаб эмас.

**М. НИЁЗОВ.**

## БУЮКЛАР САРДОРИ


«Аргументи и факти» ҳафталигининг ўтган йиллардаги сонларидан бирида «Энг буюк киши ким?» сарлавҳали мақола берилган. Унда таъкидланишича, америкалик олим Майкл Харт «Тарихдаги юз нафар энг нуфузли шахслар» деб номланган китоб яратган.

Китобда дунёдаги энг машҳур кишилар ҳақида фикр юртилган. Обрўлилар рўйхатида биринчи ўринни Мухаммад Саллоллоху алайҳи васаллом эгаллаган. «У фақат пайғамбаргина эмас эди, -- дейилди мақолада. -- Шунингдек, мусулмонлар динининг яратувчиси, асосчидир. Шунга кўра у Исо пайғамбарни 3-ўринга суриб юборди».

Мақолада Майкл Харт китобида тилга олинган юз нафар энг таъсирчан кишилардан 20 нафарининг номи тилга олинган. Шу жумладан, советлар замонидида улуглаб келинган К. Марксга II-ўрин, Ленинга 15-ўрин, Дарвинга 17-ўрин, Шекспирга 36-ўрин, Сталинга 63-ўрин, Петр I га 91-ўрин, Гомерга 96-ўрин берилган.

Ҳозирги вақтда Америкада 7 миллион киши мусулмон динини қабул қилганлиги ва унга амал қилаётганлиги, 200 га яқин масжидда намоз ўқиладиганлиги, японлар ва корейсларнинг бир қисми ислом динини қабул қилётганлиги юқоридаги фикрга асос бўлади.

**Мажид САМАДОВ.**



**ДУШАНБА, 31**

I  
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00—8.30 «Хафтаном».

8.30 «Барҳаёт сиймолар». 9.15 «Қотиллик пайида». Бадий фильм. 3-серия. 10.00 Янгиликлар. 10.05 Болалар учун. «Табиат шайдолари». 10.25 «Ўзбектеlevision» намоиш этиди: «Дастлабки пойга». Премьера. 10.35 «Фармон ва ижро». 11.00 «Сухат-саломатлик» почтасидан. 11.30 «Яшил чирок». ТелемуСОбака. 12.10 «Осмондан тушган мерос». Бадий фильм. 13.30 Ўзбекистон телерадиокорпорацияси хор жамоасининг концерти. 14.00—14.05 Янгиликлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Эркатой». 18.25 «Тест синовлари — адолат мезони».

18.45 «2000-йилдан сўнг». Телесериал. 19.05 «Мазнавият». Фольклор-этнограф ансамблининг «Зилло» телефестивали. 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 Биржа ва банк хабарлари.

20.15 Оқшом эртаклири. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар. 21.00 «Буюк келажак сари». 21.20 Дилнавоз садолар. 21.40 «Ташаббус». Республика тадбиркорлар кўрик-танлови. 22.20 «Бу оқшом...» 22.45 «Морена Клара». Телесериал. 23.25 Ўзлонлар. 23.30 «Ахборот». 23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «МХСК» — «Хоразм» (Ургач). 2-тайм. 00.40 Тунги тароналар. 00.55—01.00 «Ватан тимсоллари».

II  
18.00 Кундалик. 18.10 Ўзлонлар. 18.15 «Ерилтош». Мульттўплам. 18.35 «Спорт китъаси». 18.45 «Тулпор». 8.55 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур. 19.15 «Услуб». 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар.

19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар. Телесериал. 20.20 «Спорт китъаси». 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Оҳанглар ва Ўзлонлар. 21.15 «Кинонигоҳ». 22.45 Кундалик. 22.50 «Бебаҳо лахзалар». 23.00 «Спорт китъаси». 23.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 00.20—00.30 Кундалик.

III  
17.10 Янгиликлар. 17.15 Ўзлонлар.

17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.

20.40 Ўзлонлар. 20.45 «Кругозор». Тележурнал. 21.05 «Бланш». Телесериал. 6-серия (Канада). 21.50 «Стадион». Телефильм.

22.00 — 22.20 Россия давлат телевидениеси.

22.20 «Денгизчи болалар». Телефильм. 22.50 Ўзлонлар.

22.55 — 23.00 Янгиликлар.

IV  
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 Кўрсатувлар анониси. 18.50 «Мультикарусель». 19.05 Ўзлонлар. 19.10 «Кўнгли синиклар мактаби». Телесериал. 19.40 «Душанба». Публицистик кўрсатув. 19.50 «Жаҳон». 20.10 Кечки сеанс. «Жен Эйр». Бадий фильм. 21.40 «Спорт-тайм». 22.10 Ўзлонлар. 22.15 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал. 23.05 «Бумеранг». 23.25 «Сўз — сизга». 23.40 — 23.50 «Хайрли тун!».

**СЕШАНБА, 1**

I  
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 Лирик концерт. 8.55 Биржа ва банк хабарлари. 9.15 «Морена Клара». Телесериал. 10.00 Янгиликлар. 10.05 Болалар учун. «Нарвўз чечаклари».

Ўқув кўрсатувлари:  
10.30 Умумий биология. 11.00 Инглиз тили.

11.30 «Соз сеҳри». Мусиқий дастур. 12.00 «Орт таянчлари». Публицистик кўрсатув. 12.20 ЎзТВ хазинасидан. К. Аваз, И. Ниёматов. «Жаббу Жўжакининг хийласи». Видеофильм. 14.00—14.05 Янгиликлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Кичкинтоймиш-гичкинтоймиш». 18.30 «Спорт, спорт, спорт». 18.50 «Санъаткор». Ўзбекистон халқ артисти Фани Аъзамов. 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Мазнавият». «Оҳанглардан таралган меҳр». 20.15 Оқшом эртаклири. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар. 21.00 «Буюк келажак сари».

21.20 «Альманах-ТВ». 21.50 Экранда — кинокомедия. «Омад ҳамиша келавермайди». 23.10 «Замон». 23.25 Ўзлонлар. 23.30 «Ахборот». 23.55 Тунги тароналар. 00.15—00.25 «Ватан тимсоллари».

II  
18.00 Кундалик. 18.10 Ўзлонлар. 18.15 «Ерилтош». Мульттўплам. 18.35 ТВ плас... 18.40 «Киносайёра». 19.00 «Нафис мажлислар». 19.15 «Сизнинг имконият». 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар. Телесериал. 20.20 ТВ плас... 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Оҳанглар ва Ўзлонлар. 21.10 «Кинонигоҳ». 22.35 Кундалик. 22.40 «Спорт китъаси». 23.10 «Акс». 23.30 «Ишбилармонлар ҳафтаси». 23.50 — 24.00 Кундалик.

III  
17.10 Янгиликлар. 17.15 Ўзлонлар.

6.30 — 8.00, 17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.

20.40 Ўзлонлар. 20.45 «Бланш». Телесериал. 7-серия. 21.30 «Халқ куйларини қалбингда сақла». Фильм-концерт.

22.00 — 22.20 Россия давлат телевидениеси.

22.20 «Мохир кўлар». «Ложчи овчи». Қисқа метражли бадий фильмлар. 22.50 Ўзлонлар. 22.55 — 23.00 Янгиликлар.

IV  
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 Кўрсатувлар анониси. 18.50 «Мультикарусель». 19.05 «Сен ҳақингда ва сен учун». Ахборот-дам олиш кўрсатувиди. 19.20 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари. 19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 20.45 «Жонли тил». 21.35 «Солиқлар ҳақида сабоқлар». 21.55 Ўзлонлар. 22.00 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал. 22.50 «Америкага бир назар». 23.15 «Бу — Хитой». 23.40 «ТВ IV да «Немис тўқини». 23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

**ЧОРШАНБА, 2**

I  
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 «Навбахор» тароналари. 8.50 «Альманах-ТВ». 9.20 «Меҳр нури». Телеочерк. 9.40 «Мазнавият». «Оҳанглардан таралган меҳр». 10.00 Янгиликлар.

10.05 «Замин фидоилари». Публицистик кўрсатув.

Ўқув кўрсатувлари:  
10.30 Табиёт. 11.00 Янги алифбони ўрганимиш. 11.30 Кимё.

12.00 «Мақтанчок филча». Мультфильм. 12.10 «Умид учқунлари». Тележурнал. 12.35 «Орзулар оғушида». Бадий фильм. 13.45 Футбол шарҳи. 14.00—14.05 Янгиликлар.

III  
17.10 Янгиликлар. 17.15 Ўзлонлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Хуш келибсиз». Мультфильм. 18.20 «Бу ёруғ оламда Ватан биттадур...». 18.25 «Замон билан ҳамнафас». 18.40 «Табаррук қадамжолар». 19.05 «Мазнавият». Фольклор-этнограф ансамблининг «Зилло» телефестивали. 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Мазнавият». Муסיка ва замон. 20.15 Оқшом эртаклири. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар. 21.00 «Буюк келажак сари». 21.20 Дилнавоз садолар. 21.40 «Талкин XX аср». 22.10 «15 дақиқа спорт ҳақида». 22.25 «Автолам». 22.40 «Морена Клара». Телесериал. 23.25 Ўзлонлар. 23.30 «Ахборот». 23.55 Тунги тароналар. 00.15—00.25 «Ватан тимсоллари».

II  
18.00 Кундалик. 18.10 Ўзлонлар. 18.15 «Ерилтош». Мульттўплам. 18.35 «Спорт китъаси». 18.45 «Доиче-Велле» тақдим этиди... 19.05 «Зерикмай десангиз...». 19.15 «Ором онлари». Концерт. 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар. Телесериал. 20.20 «Спорт китъаси». 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Оҳанглар ва Ўзлонлар. 21.10 «Кинонигоҳ». 22.50 Кундалик. 22.55 «Зерикмай десангиз». 23.05 «Спорт китъаси». 23.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 00.10—00.20 Кундалик.

III  
17.10 Янгиликлар. 17.15 Ўзлонлар.

6.30 — 8.00, 17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.

20.40 Ўзлонлар. 20.45 «Бланш». Телесериал. 8-серия. 21.30 «Шоҳсула сари йул».

22.00 — 22.20 Россия давлат телевидениеси.

22.20 «Тентек буйлаб». «Матсалу кўриқонаси». Телефильмлар. 23.00 Ўзлонлар. 23.05 — 23.10 Янгиликлар.

IV  
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультикарусель». 19.00 «Кўнгли синиклар мактаби». Телесериал. 19.30 «Бизнен мирас». 20.00 «Спорт-лото». 20.10 «Хуқуқ ва бурч». 20.30 Ўзлонлар. 20.35 «Хамма кўриши шарт эмас». 21.15 «Экстремал уйинлар». 22.05 Ўзлонлар. 22.10 Кинематограф. «Тунги талваса». Телесериал. 23.00 «Нафосат гулшани». 23.30 «Автосалтанат». 23.40 «Бу ажиб дунё». 24.00 — 00.10 «Хайрли тун!».

**ҲАФТАЛИК КўРСАТУВЛАР**

**ПАЙШАНБА, 3**

I  
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Яхши кайфият». Мусиқий дастур. 8.55 «Иқтисодиёт чорраҳаларида». 9.15 «Морена Клара». Телесериал. 10.00 Янгиликлар. 10.05 «Изолаган имкон топар...»

Ўқув кўрсатувлари:  
10.30 Давлат ва хуқуқ асослари. 11.00 Ўзбек тилини ўрганимиш. 11.30 География. 12.00 «Бор эканда, йўқ экан...» Бадий фильм. 12.25 «Соғлом авлод учун». 13.40 «Фаруҳ ва Зумрад». Мультфильм. 14.00 — 14.05 Янгиликлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «2000-йилдан сўнг». Телесериал. 18.30 «Йуллар ва уйлари». 18.50 «Билиб кўйган яхши». 19.00 «Катта танафус». 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Озма-юз». 20.15 Оқшом эртаклири. 20.25 Ўзлонлар.

20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар. 21.00 «Буюк келажак сари». 21.20 Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдулқай Каримовнинг янги кўшиқлари. 21.45 «Мазн-фатнома». 22.00 Хиванин 2500 йиллигига. «Тарихингдур бир жаҳон...» 22.20 ЎзТВ хазинасидан. А. Чўлпон таваллудининг 100 йиллигига «Кеча ва кундуз» Видеофильм. 1-қисм. 23.25 Ўзлонлар. 23.30 «Ахборот».

23.55 Мақом куйлари. 00.20 — 00.30 «Ватан тимсоллари».

II  
9.00 «Ерилтош». Мульттўплам. 9.20 «Спорт китъаси». 9.30 «Тулпор». 9.40 «Мак ва Матли». Қизиқарли дастур. 10.00 «Услуб». 10.10 «Бебаҳо лахзалар». 10.20 «Нафис мажлислар». 10.35 «Акс». 10.55 «Ишбилармонлар ҳафтаси». 11.15 «Зерикмай десангиз». 11.25 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам». 11.45 «Дунё буйлаб». 12.35 — 14.05 «Кинонигоҳ».

18.00 Кундалик. 18.10 Бугун пайшанба дастурида. 18.15 Ўзлонлар. 18.20 «Ерилтош». Мульттўплам. 18.35 «Сув ости дунёси». 19.20 Оҳанглар. 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Офисина» баридан чиққан фирибгарлар. Телесериал. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар. 21.00 «Яқинроқ тур». 21.30 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам». 21.50 Кундалик. 21.55 «Сеҳрлар». Кўрсатув ва Ўзлонлар. 22.10 «Кинонигоҳ». 23.50 «Спорт китъаси». 00.10 — 00.20 Кундалик.

III  
17.10 Янгиликлар. 17.15 Ўзлонлар.

6.30 — 8.00, 17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.

20.40 Ўзлонлар. 20.45 «Нарзанлар водийси». «Ҳаёт негизи». Телефильмлар. 21.20 «Бланш». Телесериал. 9-серия.

22.00 — 22.20 Россия давлат телевидениеси.

22.20 «Илҳом». Телефильм. 22.40 Ўзлонлар. 22.45 — 22.50 Янгиликлар.

IV  
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультикарусель». 19.00 «Дурдаршан» телекомпаниясининг кўрсатувлари. 19.30 «Айнурек». 20.00 Ўзлонлар. 20.05 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 20.55 «Каталог». 21.10 «02 «тўқинида». 21.25 «Интер-спорт». 21.35 «Эллада». 22.05 Ўзлонлар. 22.10 «Инспектор Фрост». Телесериал. 23.00 «Коктейль плас». 23.30 «Океандан океангача». USA-круиз. 23.55 — 00.05 «Хайрли тун!».

**ЖУМА, 4**

I  
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00 — 8.25 «Ахборот».

8.25 Пойтахт концерт залларида. 8.55 «Ўзбектеlevision» намоиш этиди: «Лазиз». 9.05 «Озма-юз». 9.25 «Эртақлар — яхшиликка етаклар». «Афанди ва бой». 10.00 Янгиликлар. 10.05 «Қаҳр этилаётган имкониятлар». Публицистик кўрсатув.

Ўқув кўрсатувлари:  
10.30 Физика. 11.00 Немис тили. 11.30 Математика.

12.00 «Халқ иқодиёти». 12.30 «Қизиқарли учрашулар». 12.55 «Хаммаси маҳалладан бошланади». Публицистик кўрсатув. 13.20 «Тасвиричи Кипс кимсасиз оролда». Мультфильм. 13.30 Ўзбек куйларидан концерт. 14.00 — 14.05 Янгиликлар.

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Янгиликлар. 18.10 «Митти юлдузлар». 18.30 Бизнен ҳафта якунлари. 18.40 «Мутолаа». 19.05 «Мазнавият». Фольклор-этнограф ансамблининг «Зилло» телефестивали. 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Эртага — шанба». 20.15 Оқшом эртаклири. 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Ўзлонлар. 21.00 Буюк келажак сари. «Иқтисод алифбоси». 21.20 «Ривоят». 21.30 «Ауди-

тория». 21.50 «Таниш ва номаълум». 22.10 «Хуш келибсиз!» 22.30 «Морена Клара». Телесериал. 23.15 Жаҳон спорти янгиликлари. 23.25 Ўзлонлар. 23.30 «Ахборот». 23.55 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Трактор» (Тошкент) — «МХСК». 2-тайм. 00.40 Тунги тароналар. 00.50 — 01.00 «Ватан тимсоллари».

II  
9.00 «Ерилтош». Мульттўплам. 9.20 «Бугуннинг боласи». 9.40 «Кулги даргалари». Чарли Чаплин. 10.00 «Хавас-ТВ». 10.20 «Олтин кент». 10.35 «Зиндаги ёхуд муҳаббат». 11:00 Видео — «О». 12.40 — 13.10 «Спорт китъаси».

18.00 Кундалик. 18.10 Ўзлонлар. 18.15 «Бор эканда, йўқ экан...» 18.35 «XXI аср фарзандлари». 18.50 «Телевидение ва театр». 19.10 «Ором онлари». Концерт. 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 Ўзлонлар. 19.55 «Сизлардан ишорат». 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Ахборот». 20.55 Оҳанглар ва Ўзлонлар. 21.15 «Кинонигоҳ». 23.00 «Ҳанда дўкони». 23.20 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 00.10 — 00.20 Кундалик.

III  
17.10 Янгиликлар. 17.15 Ўзлонлар.

6.30 — 8.00, 17.20 — 20.40 Россия жамоат телевидениеси.

20.40 Ўзлонлар 20.45 «Бланш». Телесериал. 10 ва 11-сериялар.

22.10 — 22.30 Россия давлат телевидениеси.

22.30 «Балиқчи қушлар». Телефильм. 22.50 Ўзлонлар.

22.55 — 23.00 Янгиликлар.

IV  
17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультикарусель». 19.00 Ўзлонлар. 19.05 «Кўнгли синиклар мактаби». Телесериал. 19.35 «Умид чечаклари». 20.05 «Оқ йул». 20.25 «Олам ва одам». 20.50 «Жума кун, ишдан сўнг». 21.30 «Сирдошим». 22.00 «Гузаллик ва мангулик ҳақида». 22.20 Ўзлонлар. 22.25 «Инспектор Фрост». Телесериал. 23.15 Араб эстрада-си. 23.40 — 23.50 «Хайрли тун!».

**ШАНБА, 5**

I  
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш дастури. 8.00—8.25 «Ахборот».

8.25 Республика газеталарининг шарҳи. 8.35 «Тараннум». Мусиқий дастур. 9.05 «Саёҳат». Мультфильм. 9.15 «Морена Клара». Телесериал. 10.00 «Цирк! Цирк! Цирк!»

«Ёшлик» студияси намоиш этиди:  
10.30 «Ёшлар билан». 10.50 «Хабарнома». 11.00 «Янги кун». «Томоша» болалар ансамблининг сахналаштирилган янги концерт дастури. 12.00 «Ўзбекистон спорти». 12.20 Ю. Розиков. «Домла». Кўп қисмли видеофильм. 24-қисм. 22.40 «Футбол олами». 23.10 «Келгуси ҳафтада». 23.25 Ўзлонлар. 23.30 «Хафтаном». 24.00 Тунги сеанс. «Сўнги пушаймон». Бадий фильм. 01.25 «Тақвим». 01.30—01.40 «Ватан тимсоллари».

II  
9.00 «Боланин тили...» 9.15 «Ерилтош». Мульттўплам. 9.45 Болалардан акрани. 11.00 «Табиат шифокораси». 11.10 «Баҳор тароналари». Киноконцерт. 11.30 «Мафтунок чехралар». 11.55—13.35 Видео—«О».

18.00 «Дарақчи». 18.10 Ўзлонлар. 18.15 «Боланин тили». 18.30 «Ерилтош». Мульттўплам. 19.00 «Муҳлис-ТВ 2». 19.15 «Умрбоқий мерос». 19.25 Ўзлонлар. 19.30 «Панорама» (рус тилида). 19.55 Ўзлонлар. 20.00 «Кўшиқлар жилоси». 20.20 «Бу ажиб дунё». 20.25 Ўзлонлар. 20.30 «Хафтаном». 21.00 Ўзлонлар. 21.05 «Глобус». Телеальманах. 21.35 Оҳанглар ва Ўзлонлар. 21.50 Видео—«О». 23.50 «Дарақчи». Кўнун химеюсида. 24.00 «Мувозанат» — келгуси ҳафта тақими. 00.05 «Муҳлис-ТВ 2». 00.25 Дастур ниҳояси.

III  
16.50 Дастурнинг очилиши. Ўзлонлар.

16.55 — 21.45 Россия жамоат телевидениеси.

21.45 «Оскар-97». 2-қисм. 22.35 Ўзлонлар. 22.40 «Еш Пикассо». Телевизион бадий фильм. 2-серия. 23.20 — 23.45 «Панорама».

IV  
9.00 «Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!». 9.30 «Парле ву франсе?» 10.00 «Эртақларнинг бу сеҳрли олами». 11.40 Халқаро дастурлар дирекцияси фондидан: «Шарқ кўшиқлари». Зайнаб Каримова куйлайди. 12.15 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).

12.25 Киносалон. Ф. Феллини фильми «Аммаркорд». 14.20 «Подним». 14.40 Ўзлонлар. 14.45 «Афсоналар ва ҳақиқат». 15.25 «Дарвоқе». Дам олиш дастури. 15.50 Кундузги сеанс. «Марко Поло». Бадий фильм.

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.

18.45 «Мультикарусель». 19.00 «Менинг кучам». 19.15 «Сенин вақтинг». 19.35 «Телегашир». 19.55 Ўзлонлар. 20.00 «Ишторк этувчилар». 20.30 «Кинопрофи». Жаҳон кинематографияси янгиликлари. 21.00 Киносалон. Микеланжело Антонони фильми намоиш этилади. 23.00 «Мусиқий Олимп». 23.30 — 23.40 «Хайрли тун!».

**Халқ сўзи**



29 март

ри. «Сукунат — олтин». Бадий фильм. 10.55 Ўзлонлар. 11.00 «Ракслар

кашф этдим. Ҳозир шу гиламни сотсам, бироз фойда оларканман. Демак вақтни пулласа бўлади. Ўша кунгача вақт пул туришини ҳатто хаёлимга келтиролмасдим. Излаган топади, деганларидек, мен бунинг йўлини топдим.

орадан уч-тўрт кун, ҳатто ойларни ўтказиб сотадиган бўлдим. Бу эса беҳисоб фойда келтирди. Вақтни қанча чўзсам, фойда ҳам шунча кўп бўларди. Бу билан мени яна олиб-сотар деб ўйламанг, молга мен эмас, аксинча, вақт нарх кўярди.. Ана шу йўл билан унинг эътиборини ўзимга қарата бордим. Орадан кўп вақт ўтмай биринчи, иккинчи... дўконларимни, сўнг

# БОЙЛИК

фирмамни, шахсий корхоналаримни очдим. Ҳозир шуларни юргизиш учун елиб-югураман, кўлим-кўлимга тегмайди, бош қашишга вақт йўқ. Чунки вақт мен учун пул туради... Ҳа, муҳаббат! Энди мен уни севмай кўйдим, нимагаки, мен бойман, бойлик менга нимага керак?

Ишни бир қоп пиёздан бошладим. Пиёзнинг вақтга нима алоқаси бор, деб ҳайрон бўлаётган чиқарсиз? Ҳеч ҳайрон бўлманг, бу сиз ўйлаганчалик қийин эмас. Мен саккиз сўмдан пиёз олиб, эртасига ўн сўмдан сотдим ва юз сўм фойда олдим. Тушунган бўлсангиз керак, менга йигирма тўрт соат юз сўмга тушди.

Шундан кейин мен каттароқ нарсаларни сотиб оладиган ва

Илҳом ЗОЙИР.

Мен уни қанчалик яхши кўрмай, у мени шунчалик ёмон кўрарди. Унинг севгисини қозониш учун ҳар қандай ишга тайёр эдим. Кеча-кундуз у ҳақида ўйлардим. Унинг васлига етмоқ бутун фикру-хаёлимни банд этган эди. Орага одам ҳам кўйдим, фойдаси бўлмади. Менга айтишдики, у фақат бойларни яхши кўраркан. Бой бўлиш учун эса удлабурон, ишбилармон, тадбиркор бўлиш керак.

Бир куни деворга осилган, бундан бир йил олдин 2 минг сўмга сотиб олинган гиламга қараб туриб, бир нарсани

**АДАБИЙ ХАЁТ ХАНГОМАЛАРИ**

**КЎШИҚНИ ... ҚИЙНАМА!**

Шукур Холмирзаев «Шалола»нинг энг яқин дўсти, мухлиси ҳисобланади. Шунинг учун ёзувчининг қадами Бойсунга етиши билан ё ўзи «Шалола»нинг йигитларини топади, ё уларнинг ўзлари Шукур акани топиб олишади.

Бир марта «Шукур ака шаҳарда сиқилиб кетган!» деб «Шалола»нинг йигитлари у кишини меҳмон қилгали даштга олиб чиқишибди. Анжуман қизгин паллага кирганда ёш ҳофизлардан бири Шукур акадан мақтов эшитиши орзуси билан ... оғир ашулани бошлапти. Шукур ака аввалига қараб турипти-турипти-да, сўнг:

-- Ойнаной сендан, кўй, кўшиқни қийнама... Бориб опаларингни айлантириб ке, -- депти. Устоз бу гапни шу даражада самимий, чин дилдан айтиптики, даврадагиларнинг ҳеч қайсиси кулмапти. Ҳалиги йигит кўшиқни ярмида тўхтатиб, чой қуйилган пиёлага қўл узатганда... бараварига ҳамма кулиб юборипти.

Бу гапга беш-олти йил бўлиб кетди, аммо ўша кулги ҳалиям тўхтагани йўқ.

**ЧЎЧҚА ЎҚИ**

Ёзувчилар билан бўладиган учрашувга, албатта, шоирлар ҳам боради. Шоирсиз учрашув қизиқ бўлмайди.

Бир учрашувга Неъмат Аминов Омон Мухторовни олиб борипти. Табиийки, ҳар доим учрашувни шоирлар бошлаб берадилар.

Омон ака ҳам минбарга чиқиб, астойдил шеър ўқий бошлаптилар:

Бир ўқ билан отдилар, ўлмадим, вовайло!

Икки ўқ билан отдилар, ўлмадим, вовайло!

Уч ўқ билан отдилар, ўлмадим, вовайло!

Тўрт ўқ билан отдилар ўлмадим, вовайло!..

Минбарга яқин жойда-хайъатнинг чеккасида ўтирган Неъмат Аминов сиқилиб кетипти ва секингина Омон Мухторовга шивирлапти: «Чўчқа ўқиға тобингиз қалай?»

Неъмат ака бу гапни қанчалик паст овозда айтмасин, ҳамма эшитипти ва «гурра» кулги кўтарилипти. Энг муҳими ўшанда ҳаммадан кўп Омон аканинг ўзлари кулган экан.

Тождидин РАЗЗОҚ.

**РАССОМ ХАНДАСИ**



Рассом Аброр ОРИПОВ.

**ШУНАҚАСИ ҲАМ БЎЛАДИ**

**ДОЎНУШЛАР**

1. Нега бошқа сайёраларда ҳаёт йўқ деймиз?
2. Тақа қачон бахт келтиради?
3. Ишсиз қолмаслик учун нима қилиш керак?
4. Биринчи ўринни эгаллаш учун нима қилиш керак?
5. Хўроз нега тонг саҳарда қичқиради?
6. Қандай нарсани сотиб олиб бўлмайди?
7. Ер нега думалоқ?
8. Охириги ўғри қўлга тушса нима бўлади?
9. Нега йўллар эгри-бугри?

**СОЎНУШЛАР**

Ердаги одамлар қочиб кетмастиги учун.  
Устида от бўлса.  
Бугунги ишни эртага ҳам қолдириш керак.  
Икки кишидан ўзиб кетиш керак.  
Ўйонганлигини билдириб қўйиш учун.  
Йўқ нарсани.  
Одамлар айланиб ўз қозигини топиши учун.  
Изуварлар ишсиз қолади.  
Мастлар кўпроқ юргани учун.

Қарз олсанг, соқовдин ол.

\*\*\*

Янглишуб ёт қовушни қийғонингда, ўзингники қўлтигингда бўлсун.

\*\*\*

Ҳатто айбқочи эрсанг-да, арилар суҳбатига бурун тикма.

\*\*\*

Итга тош отсанг, чўдонига от.

\*\*\*

Даставвал сутини ич, сўгин ем бер.

\*\*\*

Буқанинг олдида юрмагил, эшакнинг ортида турмагил.

\*\*\*

Қўшнинг олма экса, деворингни пастроқ ур.

\*\*\*

Қассобга гул берма, хотунга пул.

\*\*\*

Дўста сир айтиб, ул бечорадин сотқин ясамагил.

\*\*\*

Амалдор жилмайғонда, дардинг бўлса айтиб қол.

ГУЛМАТ.

**КАЛБОМ УЧИГАР**

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:  
А. УСМОНОВ.

**БЎЛИМЛАР:**  
Парламент 33-57-34;  
Хатлар 33-07-48;  
Мерос ва қадриятлар 36-29-89;  
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;  
Иқтисодиёт 36-36-65;  
Маънавият 36-35-60;  
Тулиги муҳарририят 33-10-28;  
Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60

**• МАНЗИЛИМИЗ:**  
700000, ГСП,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.  
Набғачи муҳаррирлар—  
Н. Жалъов, Н. Топса.  
Компьютерда саҳифаловчи—  
Рустам АЗИМОВ.